

Мустақиллик ва маънавий - тарбиявий ишлар

“ФАН”

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚЎҚОН ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**М. Аминова
О. Шарипова
О. Ортиқов**

Мустақиллик ва маънавий ва тарбиявий ишлар

Ўқитувчилар ва талабалар учун ўқув-услубий қўлланма

**Тошкент
Ўзбекистон Фанлар академияси
“ФАН” нашриёти
2009 йил**

Мазкур ўқув-услубий қўлланмада мустақиллик даврида маънавий-тарбиявий ишлар давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланганлиги, мазкур соҳада олиб борилаётган туб ислохотлар ва уларнинг моҳияти ёритилган. Ўқув-услубий қўлланмада

Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармон ва Қарорлар давлатимизнинг маънавий-маърифий соҳадаги олиб бораётган ишлари ўз аксини топган. Айни пайтда бу ишлардан кўзда тутилган мақсад ва ёшлар олдида турган вазифалар кўрсатиб берилган.

Ушбу ўқув-услубий қўлланмадан миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари йўналиши талабалари учун танлов фани сифатида шунингдек, барча бакалавр йўналишларида маънавият соатларида, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактабларида тарғибот ишларида ҳамда таълим муассасалари маънавий-маърифий ишларини ташкил этишда фойдаланиш учун тавсия этилади.

Тақризчилар:

Б. Тўйчиев, ЎзМУ Ижтимоий
фалсафа кафедраси
мудири, ф.ф.д.проф.
Ў. Убайдуллаев, АндУ кафедра
мудири, т.ф.н.доц.

ISBN 978-9943-09-621-9

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

“ФАН” нашриёти 2009 йил

КИРИШ

Мустақиллик даври мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида буюк ўзгаришларларга яъни буюк миллий тикланишга асос солди. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан яратилган тараққиётнинг

беш тамойили ва унга асосланган мамлакатимизнинг истиқболини белгилаб берган “Ўзбек модели” инқирозларсиз ислохотлар йўлидан бориш учун дастур бўлиб хизмат қилмоқда. Айни пайтда давлатимиз сиёсатининг уствор йўналишларидан бири яъни барча ислохотларнинг энг зарурий бўғини, ҳавфсизлик, тинчлик ва барқарор ривожланишнинг асоси сифатида маънавий тикланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу ҳодиса ўз – ўзидан ёшлар тарбияси уларни эл-юртга муносиб фарзандлар этиб тарбиялаш билан боғлиқдир.

Мамлакатимизда “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва “Таълим тўғрисида” ги Қонунларнинг қабул қилиниши оламшумул аҳамиятга эга бўлди. Мазкур қонунлар давлатимиз тараққиёти, унинг дунё ҳамжамиятига бозор системаси орқали интеграцияланиши, дунёнинг ривожланган мамлакатлари сафига қўшилишига имкон яратади. Замонавий кадрларсиз эса саноат, қишлоқ хўжалиги, тадбиркорликни ривожлантиришни тасаввур қилиб ҳам бўлмайди.

Илм-фан жадал тараққий этаётганлиги туфайли турли фан соҳаларида эришилган ютуқлар тез янгилашиб бормоқда. Билим ўсиш омилидир, уни вақт талаби даражасида техника ўсишидан бир неча баробар тез янгилаб бориш керак. Шу туфайли олий ва ўрта махсус касб-хунар таълими соҳасида ишлаётган кадрлар малакасини ошириш ҳам катта эътиборга моликдир.

Айниқса, маданий–маърифий, ижтимоий фанларнинг моҳияти, мафкуравий жиҳатдан янгилашиб замонавийлашганлиги ва кўпгина масалаларнинг эскирганлиги бу соҳа ўқитувчиларининг малака оширишини янада долзарб масалага айлантиради. Собиқ совет тузуми динимиз, тилимиз, миллий урф-одатимиз, қадриятларимизни таҳқирлади. Миллатимизнинг энг асл фарзандлари олиму, шоирлар, уламолар қатағон қилинди. Шўролар тузуми даврида миллий маданиятни менсимаслик, миллий, диний қадриятларни бузишга қаратилган сиёсат натижасида минг йиллар давомида шаклланган, аجدодларимиз томонидан яратилган ва авлоддан-авлодга мерос бўлиб келган, ўзига хос шарқона миллий рух, маънавий баркамоллик кўп жиҳатдан заифлашди. Бу эса ёшлар тарбияси, хулқи, оилавий муносабатларга салбий таъсир этишига олиб келди.

Ўқитувчиларнинг маънавий дунёқараши ортиши миллий истиқлол мафкураси билан умуминсоний қадриятлар уйғунлигини тақозо этади. Бунга эришиш учун ўтмишимизни билишимиз керак.

Аждодларимиз мероси ва маънавиятини ўрганиш ўқувчиларда ғурур уйғотиб, айнан шу мақсадларга хизмат қилади.

Дунёда цивилизация илк ривожланган бир нечта воҳалар мавжуд.

Уларнинг бири Амударё воҳасида қадимги Хоразм маданияти, ёзуви ва “Авесто” – зардуштий дини яратилган. Амударё ўзани ўзгариб турганлиги туфайли ёдгорликларнинг камроқ қисми сақланиб қолган. Фикр – сўз ва иш бирлиги, Ватанга садоқатлилик маънавияти “Авесто” нинг таркибий қисмидир. Шунингдек, “Авесто” таълимотига кўра, яхшилик қилувчи одам показалик уруғини экади, бу яхшилик уруғлари иймонни озиклантиради. Яхшилик қилмай, жабр-зулм қилувчилар иймонсиз одамлардир.

Ёки қадимги туркийлар қолдирган улкан маданий мерос, “Авесто” да “ўзингга раво кўрмаганни ўзгага раво кўрма” – ғояси туркийлар маънавий меросидир, катта маърифий–тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ва уларнинг мазмуни, ғояси асосида ҳар қандай шахс маънавий камол топади, юксак ватанпарварлик ва ҳрамонлик тасвиридан баҳраманд бўлади. “Тўнюкук” обидаси ватан ҳақидаги мадҳия дейилса, Билга ҳоқон “Йўқсил халқни бойитгани”, “Оз сонли халқни кўпайтиргани” учун ҳам “Улуғ ҳоқон” унвонини олган. Кул тегин тимсолида эса қаҳрамонлик ва ватанпарварлик ғоясини улуғлаш ўз ифодасини топган. Биз ана шу асарлар орқали аجدодларимиз кўрсатган буюк қаҳрамонликлар ҳақидаги тарихни билиб оламиз. Бу қаҳрамонлар қалбимизда ифтихор туйғуларини жўш урдириши табиийдир.

Ислон дини манбаларида ҳам инсон маънавий – ахлоқий қадриятларининг бутун бир тизими, шарқона маданиятнинг намунали тамойиллари ўрин эгаллаган.

Қуръони Каримда “илм” сўзи 754 жойда тилга олинган. Ҳадисларда “Оллоҳ учун қилинган ҳар қандай эзгу амал ибодат эканлиги, илм олиш эса ибодатларнинг афзалидир” дейилади.

Асрлар оша умумбашарий бўлган ахлоқ меъёрлари дин томондан ҳаётга жорий этилиб, жамиятни ахлоқий тартибда сақлашда катта роль ўйнайди.

XX асрнинг бошида Туркистон ўлкасида янги бир ижтимоий ҳаракат юзага келдики, бу жаҳидчилик номи билан танилди.

Жаҳидчилар ўлкада ўз ўтмиши, тарихи, фан ва маданиятини ўрганишга ва ғафлат уйқудан уйғотишга, оламни кўз очиб кўришга, янгиликни ҳис этишга, ўзлигини топишга даъват этдилар.

Аждодларимизнинг тарихи, урф-одатлари ва улкан маънавий меросларини ўрганиш ёшларимизда миллий ғурур ва фахрланиш туйғуларини ўргатади. Ватанимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бугунги кунда мамлакатимиз ёшларининг катта бир қисмини қамраб олган соҳа – олий ва ўрта махсус ўқув тизимида маънавият масаласини оқилона ва мақсадга мувофиқ ташкил этиш мумдавлат сиёсати миқёсидаги вазиладир. Шу боисдан республикаимиз Президенти, ҳукуматимиз бу соҳага алоҳида эътибор билан қарамоқда. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” нинг қабул қилиниши бунинг ёрқин мисоли бўлиб, унда шундай сатрлар бор: “Кадрлар тайёрлаш соҳасидаги давлат сиёсати инсонни интеллектуал ва маънавий–ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш билан узвий боғлиқ бўлган узлуксиз таълим тизими орқали ҳар томонлама баркамол шахс–фуқарони шакллантиришни назарда тутди”. “Таълим тўғрисида” ги Қонунда ҳам ёш авлоднинг маънавий ва маданий тарбиясига алоҳида эътибор берилган. Бу қонунлардан кўзда тутилган мақсад бозор иқтисодиёти даврининг мураккаб кечувчи жараёнлари ёшларнинг маънавий–маданий тарбиясига кўрсатадиган турлича таъсирнинг олдини олишдир. Ўқувчи-талабаларга пухта, замон талаблари даражасида билим бериш баробарида, уларда она–Ватанга садоқат,

мустақиллигимизга, тарихимизга ҳурмат, миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш туйғуларини тарбиялаш ҳамда миллий истиқлол мафкурасини уларнинг онгига сингдиришдир. Буларни амалга ошириш, яъни ўқувчи-талабаларга маънавий-маърифий тарбия бериш. Ўқувчи-талабалар билан олиб бориладиган тарбиявий ишлар, ўтказиладиган тадбирлар режасининг (маънавий-маърифий ишлар бўйича ректор ёки директор муовинининг йиллик иш режаси) тузилишига, мазмунига боғлиқ. Чунончи, режадаги ғоявий-сиёсий ва мафкуравий тарбия, ҳуқуқий тарбия, экологик тарбия, нафосат тарбияси, меҳнат ва касб танлаш тарбияси, вояга етмаганлар билан ишлаш, диний экстремизм ва террорчиликка нисбатан ўқувчиларда огоҳлик ва ҳушёрликни тарбиялаш, гиёҳвандлик ва унинг олдини олиш, жисмоний тарбия ва спорт, оилавий, жинсий тарбия каби бандларда ўқувчи камолотига ижобий таъсир кўрсатадиган маънавий – маърифий жиҳатдан тарбия бериш вазифасининг мазмун ва шакллари ўз ифодасини топади.

Олий ўқув юртининг кўпгина битирувчилари мактабларда, академик лицей ва коллежларда директорнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари бўлиб ишлайдилар. Улар маънавий-маърифий тадбирларни ўтказишни, пухта сценарий ва режа тузишни, кечаларни ташкил этишни билишлари керак. Шу сабабли ушбу курсда бу соҳалар камраб олинади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги “Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш тўғрисида” ги ПҚ -№451 сонли Қарори бу соҳа ходимлари олдида жуда улкан вазифаларни қўйди.

5141500-Миллий истиқлол ғояси, ҳуқуқ ва маънавият асослари йўналишида мазкур муаммоларни ўрганиш ихтисослик нуқтаи назаридан зарурий ҳисобланади. Шунинг учун “Мустақиллик ва маънавий – тарбиявий ишлар” талаба танлов фани сифатида ўқув режага киритилди.

І БОБ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ МУСТАҚИЛЛИККА ЭРИШИШИ ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛИШИ

МУСТАҚИЛЛИК ВА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТИКЛАНИШНИНГ МОҲИЯТ МАЗМУНИ РЕЖА:

1. “Мустақиллик ва маънавий-тарбиявий ишлар” фанинг мақсад ва вазифалари.
2. Маънавиятни тиклаш борасида олиб борилган дастлабки ҳаракатлар.
3. Иқтисодий ва маънавий – маърифий соҳадаги ислохотлар ўртасилаги уйғунлик.

Адабиётлар:

Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Т.1996 йил сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида Фармойиши. 2001 йил, 18 январ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ 451 сонли қарори. 2006 йил 25 август

Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият” Т. “Ўзбекистон”1994 й.

Каримов И.А. «Туркистон умумий уйимиз» Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Тошкент, «Ўзбекистон»1995 йил

Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». 2-жилд «Ўзбекистон», 1996 йил.

9.. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил.

10 Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши.-Т.: “Академия”, 2003 йил

11. Абилов Ў. Миллий ғоя, маънавий омиллар.-Т.: “Маънавият”, 1999 йил.

Мустақиллигимиздан кейин маънавий-маърифий ишларга, унутилган, камситилган маънавиятимизни, миллий қадриятларимизни тиклашга қаратилган сиёсатни амалга оширилишини кўрсатиш ҳамда ёш авлоднинг миллий ғурурини юксалтиришга, уларни ватанпарварлик, юртпарварлик, байналминаллик руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар моҳиятини очиқ бериш, уларни ташкил этиш методикасини ўргатиш ушбу фаннинг мақсадини ташкил этади.

“Мустақиллик ва маънавий-тарбиявий ишлар” фанининг олдида қўйилган вазифалар қўйидагилардан иборат:

- Маънавий - маърифий тарбиянинг жамият тараққиётидаги ролини ва уни ёшлар онгига сингдиришнинг аҳамиятини очиқ бериш;

- Узлуксизтаълим тизимини инсонпарварлаштиришнинг тарбияга таъсирини, эски мафкурадан инсонларнинг ҳалос бўлишини тезлаштириш учун барча ишларни тезлаштириш лозимлигини кўрсатиш;

- Маънавий - маърифий ислохатлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши эканлигини кўрсатиш;

- “Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастури” нинг қабул қилиниши билан маънавий - маърифий ишларнинг янада такомиллашувини кўрсатиш ва бу масалада амалга оширилган ишларни умумлаштириш;

- Маънавий - маърифий ишларни ташкил этишда маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларининг ўзаро боғлиқлигини, алоқадорлигини,

бири иккинчисини инкор қилмаслигини тарбиявий жараёнда улардан умумлашган ҳолда фойдаланиш мумкинлигини тушунтириш;

- Маънавий - маърифий ишларнинг, жараёнларнинг моҳияти ва асосий йўналишларини таҳлил этиш;

- Талаба - ёшларни маънавий - маърифий ишларни ташкил этиш методикаси билан таништириш.

Маънавий - маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари ҳеч қачон ҳозиргидек долзарб вазифага айланмаган. Маънавий ислохотлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлгани, мафкуравий таҳдид ва ахборий хуружлар кўпайиб бораётгани, одамлар онги ва қалбини эгаллаш йўлидаги кураш жараёнлари кучайгани учун ҳаётнинг барча жабхалари, ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари, аҳолининг ҳамма қатламлари орасида маънавий - маърифий ва мафкуравий соҳада жадал ишларни амалга ошириш тарғиботчи олдидаги энг муҳим вазифа ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам маънавий - маърифий ва мафкуравий тарғибот ишлари қандай дастур ва йўналиш, қайси кўрсатма ва қўлланма, қанақа режа асосида, қай савияда, кимлар тарафидан олиб борилаётгани ғоят муҳим масала бўлиб турибди.

Ушбу қўлланма маънавий - маърифий ва мафкуравий тарғибот ишларини ташкил этиш, уюштириш ва мувофиқлаштириш учун асосий манба бўлиб хизмат қилади.

Мустақиллик биз учун жамият тараққиётининг бутунлай янги даврини бошлаб берди. У Ўзбекистонимизни, ўзбек миллатини жаҳонга танитди. Миллий манфаатларимизга, маънавий қадриятларимизга, демократик мезонларга тамомила мувофиқ янги жамият қуришга киришдик.

Миллий давлатчилик пойдевори, унинг ҳуқуқий асослари яратилди. Давлат ислохотларининг бош ташаббускори, уларни мувофиқлаштирувчи асосий кучга айланди. Конституциямиз давлатни қонуний-ҳуқуқий такомиллаштиришнинг демократик асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Истиқлол туфайли одамлар онги, дунёқарашида янгиланиш бошланди. Тарихий миллий қадриятлар, урф-одатларнинг тикланиши халқнинг миллий руҳига кучли таъсир этди. Она тилимиз ва динимизга бўлган янгича муносабат, ватанга ва истиқлол ғояларига садоқат миллий ғурур, ифтихор туйғуларининг ўсишида катта роль ўйнайди. Ватан тушунчаси, ватанпарварлик туйғуси янгича маъно касб этди. Миллий анъаналар, байрамлар, Рўза ва Қурбон ҳайитлари халқимиз қадри, иззат-ҳурмати, ғурурининг ошишига олиб келди.

Тарихий миллий қадриятларимиз билан янгидан танишув, уларни тиклаш ва бойитиш ҳар биримизда миллий ўзлигимизни, тарихий меросимизга эътиқод ва фахрланиш туйғуларини мустаҳкамлади. Биз кўпроқ бой тарихимиз, қадриятларимиз, анъаналаримизни ўргана бошладик. Одамлардаги боқимандалик, лоқайдлик, мутелик руҳияти ўрнини тадбиркорлик, ишбилармонлик, фидойилик эгаллай бошлади. Уларда Ватан олдидаги, эл-юрт олдидиган ўз бурчини эъзозлаш туйғуси анча кучайди.

Бозор муносабатлари, турли мулк шакллари мулкка муносабатимизни, меҳнатимиз характерини ўзгартириб юборди.

Албатта, ҳар қандай мамлакатда ўтиш даври осонликча кечмайди. У бир неча ўн йилликларга чўзилади. Жуда кўп мамлакатларда шундай ҳам бўлади. Аммо Ўзбекистонимизнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш суръати ишга туширилаётган улкан иншоотлар бозор иқтисоди қонунларига тўла амал қилинса ўтиш даври нисбатан қисқа вақт билан чегараланишини кўрсатиб турибди. Машинасозлик, нефть маҳсулотлари, енгил саноат, озиқ-овқат, маҳаллий қайта ишлаш саноатлари, қурилиш, пахтачилик, ғалла, қимматбаҳо материаллар ишлаб чиқариш соҳаларида жиддий юксалиш кўзга ташланаяпти. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, турмуш шароитини яхшилаш, маънавият ва мафкура соҳаларида ҳам муҳим ўзгаришлар юз бермоқда.

Мамлакат ҳаётида рўй бераётган иқтисодий, сиёсий, ҳукукий, ижтимоий ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислохотлардан мақсад одамларга муносиб турмуш шароитлари яратишдир. Бу инсонпарвар жамиятимизнинг мазмуни ва мақсадидан келиб чиқади. Бунга имкон даражада ҳаракат қилинмоқда.

Миллий мустақилликка эришгандан сўнг юртимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг марказида одамлар тақдири, уларнинг турмуш фаровонлиги, эртанги кун, бахт-саодати турганлигининг ёрқин далилидир. Биз тамомила янги, адолатли жамият барпо этишга киришяпмиз.

Тараққиёт йўлимиз ҳам, ижтимоий соҳаларда амалга оширилаётган кўпдан-кўп ишлар ҳам, қабул қилинаётган қонунлар, қарорлар, кўрсатмаларнинг пировард натижаси ҳам Инсон манфаатларига қаратилганлиги жамиятимиз характери билан бевосита боғлиқ. Давлатимизнинг ижтимоий йўналишдаги ислохотлар йўлидан қатъий бораётганлиги бевосита одамлар манфаатини кўзлашнинг ёрқин далилидир. Бу изчил сиёсатдир.

Демак, ҳар бир хатти-ҳаракатимиз, меҳнатимиз асосида инсон манфаатлари, ватанпарвар, янги фидойи авлодни тарбиялаш туради.

Биз янги, инсонпарвар жамият қурмоқдамиз. Янги жамиятни қуриш учун энг аввало, ҳар жиҳатдан етук янги авлодни вояга етказишимиз керак. Юртбошимиз айтганларидек, тараққиёт тақдирини маънавий етук одамлар ҳал қилади. Шундай экан, маънавий баркамол, маърифатли, жисмоний соғлом, ўзининг тарихий роли ва бурчини англай биладиган одамларни тарбиялаш умумдават аҳамиятидаги вазифа ҳисобланади.

Республика Президентининг “Асрлар мобайнида халқимизнинг юксак маънавият, адолатпарварлик, маърифатсеварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланиди. Бизнинг келажаги буюк давлатимиз шу фалсафага уйғун ҳолда шаклланимоқда. Янгидан барпо этаётган жамиятимизнинг ижтимоий - маънавий асосларини белгилашда юқоридаги ғояларга суянсак хато бўлмайди”, - деган фикрларида Ўзбекистоннинг истиқболи учун маънавий асослар муҳим ўрин эгаллаши аниқ кўрсатилган.

Шу пайтгача марксизм - ленинизм таълимоти шахсни ўзгартириш учун жамиятни ўзгартириш керак, деб таълим берди. Ислом фалсафаси эса жамиятни ўзгартириш, уларнинг бахтли ҳаётини таъминлаш учун инсоннинг ўзини ўзгартириш керак, деб таъкидлайди. Оламни яхшилаш одамни яхшилашдан бошланиши керак, деб ҳисоблайди. Ҳозирги ривожланган мамлакатлар тарихи буни яққол исботлайди. Япония, Канада, АҚШ, Англия ва бошқа давлатларда социалистик инқилоб бўлмасада инсоннинг тўлақонли яшаши учун барча шароитлар яратилди.

Жамият - унинг аъзоларининг камолоти натижасида такомиллашади. Ислом фалсафасида инсон омили юксак рутбада туради. Инсон ўз хулқининг ҳам, жамият маънавиятининг ҳам ижодкори, ўзининг ва замондошларининг маънавий сифатлари учун жавобгар.

Маънавиятнинг қай даражада эканини муайян шахснинг ўзигагина эмас, балки ўзи яшаётган жамият тараққиётига ҳам ҳал қилувчи таъсир кўрсатар экан, уни шакллантиришни ўз холига ташлаб қўйиб бўлмайди. Инсонда Оллоҳ берган хулқий сифатлар билан, тарбия ёрдамида шаклланадиган маънавий фазилатлар ҳам бўладик, жамиятнинг барча ижтимоий тизимларида шу фазилатлар имкон қадар эзгу ва мустаҳкам шаклланиши лозим.

Маънавият - инсоннинг инсонийлик моҳияти, инсон шахсида таркиб топган ижобий фазилатлар мажмуи. Шахсдаги ижобий фазилатлар жамиятда тарихан шаклланади. Шундай экан, улар ижтимоий тараққиёт маҳсулидир.

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИНГ МОҲИЯТИ, МАҚСАДИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ

РЕЖА:

1. Маънавият ва маърифат тушунчаларининг диалектикаси.
2. Маънавий - маърифий ишларнинг моҳияти.
3. Маънавий – маърифий соҳадаги вазифалар ва тарғиботнинг асосий йўналишлари.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6.-Т.: “Ўзбекистон”, 1997 йил, 31-40, 125-135, 149-162 бетлар.
3. Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.7.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил. 84-102 бетлар.
4. Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 489-508 бетлар.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 462-467 бетлар.

- 6.Каримов И.А. Эғали юрт эркини бермас. Т.9.-Т.: “Ўзбекистон”. 2001 йил. 70-98 бетлар
- 7.Каримов И.А. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласидаги сўз боши. Т.9.-Т.: “Ўзбекистон”, 2001 йил/.
8. Каримова В. Тарғиботнинг психологик услублари.-Т.: “Маънавият”, 2001 йил.
- 9.Каримова В., Умаров А., Қуронов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил.

Маънавият- инсоннинг инсонийлик моҳияти, шахсдаги ижобий фазилатлар мажмуи, инсоннинг зоҳирий ва ботиний қиёфаси. У инсон ҳаётининг туб моҳиятини белгилайдиган ақлий, руҳий, ахлоқий ва жисмоний қарашлар, кўникмалар, одатлар тизимидир. Маънавият – ҳар бир инсоннинг миллий ва умуминсоний комиллик даражаси, унга етакловчи, ундовчи имконият. У инсон шахсини инсонийлик билан бойитувчи, камол топтирувчи, кўркамлаштирувчи бекиёс ҳаётий омил. Маънавият – яхшилик ва эзгуликка мойил, ёмонлик ва ёвузликдан тийилиш, нафосат ва ҳақиқатга, ҳалоллик ва ростгўйликка интилиш, ўзи мансуб жамиятнинг ахлоқий, ҳуқуқий, маърифий-маданий мезонларига амал қилиш ҳиссидир. У инсоннинг умргузаронлик моҳияти, фаолиятининг табиатини белгилаб берган ва фаолиятида гавдаланган ижобий, гўзал фазилатлар мажмуи. Маънавиятда инсон қалби, шуури, ақл-заковати, табиати, билими, маданияти акс этади.

Маърифат эса инсоннинг ўзини ўзи англаш, ўзини ўзи камол топтириш, имкониятларини ҳаракатга келтириш йўлида билим, тарбия, маданият бойликларидан баҳраманд бўлишини кафолатловчи омилдир.

Маърифат – моҳиятан ақл-идрок, тафаккурнинг маёғи, мижознинг мураббийси, қалбда мунавварликни, инсоний улуғворликни қарор топтирувчи умрий восита, иймон-эътиқод, характер, лафзнинг меъмори, вужуднинг жон томири.

У – билиш, таниш, илм ва маданиятнинг камол топиш мазмуни, усул ва воситаларидир.

Маънавият ва маърифат ва инсон тушунчалари бир бутун ҳолдагина муайян мазмунга эга бўлади. Маънавият йўқ жойда маълум мақсадга қаратилган инсоний фаолият ҳам бўлмайди, инсонлар жамоасининг бирлиги – жамият ҳам бўлмайди. Президентимиз Ислом Каримов, “Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур”, деб таъкидлаган фикр замирида ана шундай фалсафий мазмун яширин. Маънавиятнинг аҳамиятини ана шу нуқтаи назардан баҳоламоқ керак. Маънавият – халқнинг, миллатнинг, давлатнинг куч қудрати, буюк келажак сари юксалтирувчи мустаҳкам пойдеворидир. Маънавий-маърифий ислохотлар давлат сиёсатининг асосий устувор йўналиши сифатида белгилангани бежиз эмас. Ҳар қандай ишнинг, ижтимоий тараққиётнинг меъмори ҳам, бунёдкори ҳам, бош ҳаракатлантирувчи кучи ҳам инсон. Унинг ақл-заковати ва самарадор меҳнатисиз ҳеч нима яратилмайди, вужудга келмайди. Республикамизда

Ўтказилаётган иқтисодий ислохотлар тақдири пировард натижада маънавий-маърифий ишларни қай даражада юксак савияда ташкил қила билиш муҳим ҳаётий муаммо. Чунки маънавий –маърифий ишларнинг асосий вазифаси юксак ахлоқий фазилатларни ўзида мужассамлаштирган комил инсонни тарбиялашдан иборат. Бугунги кунда билимдон, етук малакали, юксак ақл-заковат ва истиқбол дунёқарашига эга тадбиркор кишиларгина жамиятимизнинг жаҳон цивилизацияси сари тараққиётини тезлаштира олади, Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган мамлакатлар сафидан муносиб ўрин эгаллашини таъминлай олади. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашнинг ва янги жамиятни куришимизнинг энг асоси бўлган маънавият ва маърифатни юксалтириш ҳамда уни изчиллик билан ҳозирги замон талаблари, миллий руҳиятимизнинг илдизларига суянган ҳолда янада ривожлантириш бугунги куннинг долзарб ва ғоят муҳим вазифасидир. Маънавият ва маърифат давлат ички ҳаётидаги бир бутунликни, одамлар руҳиятидаги кўтаринкилик ва келажакка ишончни, ақл-заковат юксаглигини, ўз фаолиятида тинчликни, миллатлараро ҳамжихатликни барқарор ривожлантириш йўлини аниқ белгилашдаги ўз фуқароларнинг орзу-умидларини, манфаатларини ифода эта билиш, уни буюк келажак сари ҳаракатга йўналтириш ва унга раҳбарлик қилиш салоҳияти хисрбланади. Маънавият ва маърифатнинг янги жамиятни куришдаги қудратли куч ва бебаҳо манба эканлиги қуйидаги масалаларда ўз ифодасини топади:

1. Маънавият ва маърифат жамиятда мавжуд бўладиган иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, маърифий соҳаларни, уларни ўзаро боғлаб, уйғунлаштириб, давлатнинг бир бутун мустақил субъект сифатидаги мақомини таъминлаб туради;

2. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий –сиёсий, маданий ҳуқуқий ва маърифий соҳаларини ривожлантиришдан кўзлаган асосий мақсади инсонни камол топтириш, эҳтиёжларини қондириш, уни баркамоллик даражасига кўтаришдан иборатдир. Маънавият ва маърифатни юксак замонавий талаблар даражасида ташкил қилгандагина муайян вазифаларни инсонга хизмат қилдириш мумкин бўлади. Бу жараёнда маънавият ва маърифат меъмори, мезон ва етакчи омил ролини ўйнайди.

3. Маънавият ва маърифат жамият олдида турган муаммолар моҳиятини ўзида ифода эттиради ҳамда уни ҳал қилиш учун фуқароларнинг давлат манфаатларини бирлаштиради. Маънавияти ва маърифати замонавий ривожланган мамлакатларда халқнинг ватанпарварлик ва миллатпарварлик туйғулари кучли бўлади. Бундай ҳолат ўз навбатида давлат ва халқнинг бирлигини мустаҳкамлашда турли хил миллатлар ва ижтимоий қатламларнинг бир-бирлари билан умумманфаатлар йўлида жипслашишларида қудратли омил сифатида хизмат қилади;

4. Маънавият ва маърифат миллий онг ва миллий туйғу, миллий ғояларни шакллантирувчи омилдир. Булар ўз навбатида ҳар бир миллатнинг ўз-ўзини англашига, манфаатлар ягоналигини тушунишига, кишиларда миллий ғурур, кадр-қимматнинг мустаҳкам дунёқарашга айланишига ёрдам беради;

5. Маънавият ва маърифат бор жойда эҳтиёжлар ва заруриятлар ҳам юзага келади. Ўз навбатида эҳтиёжлар ва заруриятлар шахс, миллат ва давлатни кечагидан бугун, бугундан эртага яна ҳам яхшироқ ҳаёт кечиришга, баркамол бўлишига етаклайди, шахс, миллат ва давлатнинг тарққиёти сари ҳаракат қилишга даъват этади. Бу жараёнда маънавият ва маърифат шахс, миллат ва давлат тарққиётини ҳаракатга келтирувчи бош омил ҳисобланади;

6. Маънавият ва маърифат ақл-заковат, салоҳият юксаклигининг муҳим мезони ва манбаи ҳисобланади. Бу орқали инсон миллат маҳсулини миллат ва мамлакатнинг юксак моддий ва маънавий бойликлари даражасига кўтаради;

7. Маънавият ва маърифат давлат ички ҳаётида тинчлик, барқарорликни вужудга келтиради, ҳар қандай мунозарали масалаларни ақл ва вазминлик билан ҳал қилишда халқ руҳиятини шакллантиради;

8. Маънавият ва маърифат кишиларни субъектив, қариндош-уруғчилик, маҳаллийчилик манфаатлари эҳтиросларга берилишидан саклайди, шахсий ва маҳаллий манфаатларни миллат ҳамда Ватан манфаатларига уйғунлаштириш муҳитини вужудга келтиради, миллатнинг умубашарий қадриятлар сари интилишини кучайтиради;

9. Маънавият ва маърифат мамлакатда адолатни қарор топтириш, инсонларни қонунларнинг ижодкори ва итоаткори даражасига кўтаради. Қонунлар давлат, миллат ва шахснинг ҳар қандай ҳаракатининг аниқ меъёри даражасига айланган мамлакатда демократик руҳдаги адолатли қадриятлар шаклланиши мумкин бўлади;

10. Маънавият ва маърифат давлатнинг ички ҳаётидаги муаммоларни ҳал қилишнинг муҳим омили бўлиши билан бирга, у давлатнинг халқаро ҳаётдаги обрў –эътиборини оширади, унинг катта имкониятларга эга эканлигини ва барқарор таракқий этаётганлигини тасдиқлайди. Бу ўз навбатида давлатнинг халқаро ҳаётда ҳаракат қилиш имкониятларини янада кенгайтиради.

Маънавият – шахснинг руҳий ҳаёт тажрибаси, руҳий оламини, дунёқарашини, ақлий салоҳиятини ўзида мужассамлаштиради. У шахснинг ва миллатнинг ўзлигини англаши, миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанпарварлик, давлатга ҳурмат, жамоа анъаналарига хайрихоҳлик, диёнат, меҳр-шавқат, поклик, ҳалоллик, виждонийлик, ростгўйлик, адолатпарварлик, камтаринлик кабиларни ўз ичига олади. Маънавият йўли – босқичма-босқич ўтиладиган йўл. Инсон ақлини танигандан бошлаб, тафаккур, ахлоқ ва маърифатда камолотга интилади. Жамият маънавияти, унинг ривожини ҳам узок давом этган тарихий таракқийнинг натижаси ҳисобланади. Жамият аста-секин ривожланиб борган сари инсон маънавияти ҳам таркибий жиҳатдан мукаммаллашиб борган. Маънавиятнинг энг қадимги асосларини ахлоқий, диний ва бадиий қарашлар ташкил қилади. Давлатнинг юзага келиши билан маънавиятнинг сиёсий, фалсафий ва илмий шакллари юзага келган. Шундай қилиб, маънавиятнинг таркибий тизимини қуйидагилар ташкил қилади:

– ахлоқий қарашлар ва ахлоқий таълим;

- диний қарашлар ва диний таълим;
- бадий қарашлар ва бадий таълим;
- фалсафий қарашлар ва фалсафий таълим;
- сиёсий қарашлар ва сиёсий таълим;
- ҳуқуқий қарашлар ва ҳуқуқий таълим;
- илмий қарашлар ва фан; жами табиий ва гуманитар фанлар ҳам шу

гуруҳга киради.

Буларнинг ҳар қайсиси тадқиқ предметиға эга. Улар маълум ижтимоий вазифани бажаришга даъват этилган бўлиб, жамият тараққиёти ва комил маънавиятли инсонни тарбиялашда муҳим мавқе тутеди.

Оила – маънавиятнинг илк ва дахлсиз бешиги. Инсоннинг маънавий комиллик мақомларига кўтарилишида оилавий муҳит билан бирга жамоатчилик, таълим тизими, миллий мафкура ва давлат фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Уларнинг реал ҳаракатлари қуйидаги йўналиш ва шаклларда намоён бўлади:

1. Оила – жамиятнинг негизи ва давлат тараққиётининг илк манбаи.

Оила – шахс, жамоа, ижтимоий гуруҳ дунёқарашлари шаклланиши ва ижтимоий муносабатлар вужудга келишининг бош асоси ҳисобланади. Муайян имкониятлар оиланинг мамлакат маънавиятини шакллантириш, унинг мавжудлигини мустаҳкамлаш, турли халқлар ва мамлакатлар ўртасида маърифий муносабатлар қарор топишини таъминлайди.

Оиланинг юксак маданиятли шахсни шакллантириш ва давлат тизимидаги тутган муҳим ўрнидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифаларни ҳал этиш лозим:

а) оилани шакллантиришда жамоатчилик бошқарув институтлари раҳбарлик фаолиятини кучайтириш;

б) ўзбек халқининг кўп болаликка мойиллиги ва аҳолининг асосий қисми қишлоқ жойларда истиқомат қилаётганлиги, ўзига хос урф-одатлар, анъаналар ва қадриятларнинг миллий тараққиётда муҳим ўрин ва мавқега эгаллигидан оилани ижтимоий ҳимоя қилишни давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида давом эттиришни таъминлаш;

в) аҳолининг ўзи етиштирадиган маҳсулотни қайта ишлаб чиқаришни кенг жорий қилиш, ёшларнинг иш билан таъминланмаган қисмидан Республиканинг йирик қурилишларида, қишлоқ хўжалигида фойдаланиш ва уларнинг хорижий мамлакатларга шартнома асосида юборишни таъминлашни жамоат ташкилотлари ва давлат институтлари фаолиятининг етакчи вазифаси қилиб белгилаш;

г) хотин-қизларнинг фарзанд тарбияси ва оилани мустаҳкамлашдаги алоҳида ўрнини ҳисобга олиб, уларнинг ҳомиладорлик ва болани тарбиялаш давридаги белгиланадиган таътиллار муҳлатини кенгайтириш, кўп фарзандли аёлларга тегишли имкониятлар берувчи меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиш, солиқларни имконият даражасида қисқартириб бориш;

д) давлат томонидан қабул қилинган соғлом авлод дастурини ҳаётга татбиқ этишда оиланинг масъулиятини ошириш. Ўз соҳасида бўйича ишлаш

қобилиятини сақлаб қолган мутахассислардан фойдаланишнинг меъёрий ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

2. Оила, мактабгача бўлган тарбия, умумий таълим, ўрта махсус ва олий таълим, малака ошириш тармоқлари таълим тизимининг асоси бўлиб, давлат тараққиётининг ҳар бир босқичидаги тақдирини белгилаб беради. Бу борада қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

а) таълимнинг барча соҳаларини бирлаштирувчи, миллий хусусиятларини ўзида акс эттирувчи, жаҳон мамлакатларининг илғор тажрибаларини умумлаштирувчи давлат миллий концепциясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

б) шу мақсадга тегишли меъёрий ҳужжатларни яратиш, унда белгиланган вазифаларни ташкил қилиш, бошқариш ва раҳбарлик қилишни такомиллаштириш;

в) таълим тизимида ишлаётган ўқитувчиларнинг малакаларини замон талаби даражасига кўтариш, уларни ўз касбининг фидойисига айлантириш, ўқитувчилик касбининг нуфузини кўтариш. Ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини бозор иқтисодиёти талабларидан келиб чиқиб ошира бориш;

г) олий таълим тизимининг мамлакат ақл-заковатини шакллантирувчи асосий таянч эканлигидан, юқори малакали кадрлар тайёрлашни мамлакат эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда ташкил қилиш;

д) вилоят марказларидаги олий ўқув юртларининг ўз ҳудудида мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжларини умумдавлат манфаатлари миқёсида қайта кўриб чиқиш, уларни юқори малакали профессор-ўқитувчи мутахассис кадрлар билан таъминлаш, моддий - техникавий базасини мустаҳкамлаш асосида маънавият ва маърифат марказига айлантириш;

ж) умумий таълим ва олий таълим тизимида хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойдаланиш. Ўзбекистоннинг мустақил тизимини яратиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўриб чиқиш.

з) кадрлар тайёрлаш сифатини юксак даражага кўтаришнинг муҳим омили сифатида давлатга қарашли олий таълим фаолиятини такомиллаштириш, бозор муносабатлари ва соҳа рақобатини вужудга келтириш мақсадида айрим олий ўқув юртларини акциядорлик жамоаси ихтиёрига бериш, уни муайян тартибда ва услубда ташкил қилиш ва бошқариш масалаларини кўриб чиқиш;

и) ижтимоий - гуманитар фанларнинг маънавият ва маърифатни шакллантиришнинг асоси эканлигини эътиборга олиб, ўқитишнинг сифати ва самарадорлигини ошириш мақсадида уларни қуйидагича изчиллик билан ташкил қилиш ва ўқитишни назоратда тутиш;

- умумий таълим тизимида: Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва адабиёти, одобнома, давлат ҳукуқи асослари, хорижий тилларни мукамал ўрганиш;

- ўрта махсус ўқув юртлари, лицейлар, коллежлар, гимназияларда: Ўзбекистон тарихи, ҳукукшунослик, ўзбек тили ва адабиёти, хорижий

тиллар, ахлоқшунослик фанлари ўқитилиши мақсадга мувофиқлигини кўриб чиқиш;

- олий таълим тизимида: Ўзбекистон тарихи ва унинг назарий муаммолари, политология ва психология, фалсафа, иқтисодиёт назарияси, инсон ҳуқуқлари муаммолари, социология, касб этикаси, касб эстетикаси, маънавий асослари фанларини ўқитиш;

- “Маънавий ва маърифат” асослари курсини ўқитишни, олий ўқув юртларида ўқитилаётган ахлоқшунослик, маданиятшунослик, диншунослик, эстетика фанлари асосида ташкил қилиш, ундан давлат имтиҳони олиш мақоми беришни назарда тутиш;

- мамлакат ички ва ташқи сиёсати моҳиятини аҳолининг англаб етиши, маданий - маърифий, миллий - ҳуқуқий, сиёсий онг даражаларини ўстириш, мутахассис кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш, раҳбарлик қилиш, уларнинг давлат сиёсатини ҳаётга татбиқ этишдаги қадриятини, ёшлар ва бошқа умумдавлат аҳамиятига эга бўлган муаммоларни ўрганиш, тегишли таклифлар ишлаб чиқишни йўлга қўйиш заруриятини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Президенти ҳузурида Социология илмий - тадқиқот институтини ташкил қилиш.

3. Миллий тил маънавий ва маърифатнинг етакчи омили эканини ҳисобга олиб, давлат томонидан қабул қилинган қарорнинг реал ҳаётда бажарилишини таъминлаш;

- давлат тилини ишлаб чиқариш, миллий маънавиятни таркиб қилиш, таълим, соғлиқни сақлаш, олий таълим, алоқа, транспорт, оммавий ахборот ва бошқа давлат ва нодавлат тизимида қўлланишини таъминлашни назорат қилиш;

- хорижий мамлакатлар вакиллари билан бўладиган мулоқотлар, шартномалар, маълумотлар ва ҳужжатларда асосий тил сифатида давлат тилини қўллаш устидан назоратни кучайтириш;

- давлат тилида илмий, бадиий ва санъат асарларини чоп этишга эътиборни кучайтириш, хорижий тиллардан муҳим илмий ва тарбиявий аҳамиятга бўлиқ бўлган асарларни таржима қилиш, таълим тизимида давлат тилини бошқа миллат вакилларига ўргатишни такомиллаштириш, унинг устидан назорат қилиш, давлат тилни ўрганишни ҳоҳловчи ҳар бир фуқаро учун амалий, ёрдам кўрсатишни идоралар, вазирликлар ва бошқа муассасалар раҳбарлари зиммасига юклаш;

- давлат тилини жорий қилувчи комиссиялар фаолини такомиллаштириш, унинг таркибини қайтадан кўриб чиқиш ва унга амалий ёрдам беришда фаоллик кўрсатувчи кишиларни жалб қилиш;

- кўчалар, майдонлар, ташкилотларга ўзбек миллатининг тақдирида буюк ўрин тутган тарихий шахслар, улуғ алломалар, таниқли олимлар, адабиёт, санъат, давлат ва жамоат арбоблари номларини бериш бўйича қабул қилинган давлат қонунининг бажарилиши устидан назоратни кучайтириш.

4. Фаннинг маънавий ва маърифатни ривожлантириш-даги етакчи мавқеини, фан аҳллариининг мамлакат ақл-заковатининг таянч қисми ҳисобга олиниб, уларнинг жамиятдаги мавқе ва мақомини қайта кўриб чиқиш;

- фаннинг фундаментал соҳаларини ривожлантиришда давлат томонидан ажратилган маблағлар бозор иқтисодиёти талаблари даражасидан орқада қолаётганлигини эътиборга олиб, уларга тегишли моддий ёрдам кўрсатиш ва қўллаб-қувватлашнинг қўшимча омили сифатида илмий тадқиқот ишларидан тушаётган маблағларнинг асосий қисмини муайян соҳада ишлаётган кадрларнинг эҳтиёжини қондиришга сақлаш имкониятини вужудга келтириш, иқтидорли ёш кадрларни тарбиялашга асосий эътиборни қаратиш;

- қишлоқ хўжалиги хомашёсини қайта ишлаш, озиқ-овқат технологиясини ривожлантиришга қаратилган фаннинг янги йўналишларини белгилаш ва такомиллаштириш;

- ижтимоий - гуманитар фанлар бўйича - миллий тарих, адабиёт, санъат, маънавий мерос, кадриятлар, анъаналар, миллий онг, миллий ғурур, руҳият, эркин тафаккур, сиёсат ва ҳуқуқий муаммоларни ҳар томонлама чуқур ва пухта ўрганиш, таҳлил қилиш ва улардан келиб чиқадиган илмий хулосаларни ҳаётга татбиқ қилиш орқали маънавият ва маърифатни ривожлантиришни назарда тутиш;

- умумманфаатларни уйғунлаштирувчи миллий тараққиёт мафкурасини шакллантириш, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш, қишлоқ аҳолиси маънавияти ва маърифатини кўтариш, ёшларда ватанпарварлик, қонунларга амал қилиш, тузумга ҳурмат руҳиятини шакллантиришни ижтимоий гуманитар фанлар илмий - тадқиқот ишларининг асосий мавзуси сифатида белгилаш.

5. Адабиёт ва санъатнинг маънавият ва маърифатни шакллантириш ва баркамол инсонни тарбиялашдаги муҳим аҳамиятини назарда тутиб, уни ривожлантиришда:

- миллий кадрини кўтаришга, унинг онгига мустақиллик ва миллатпарварлик туйғуларини сингдиришга, миллат олдида турган муаммоларни ҳал қилоишда уларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилувчи асарлар яратилишини адабиёт ва санъатнинг бош талаблари сифатида белгиланиб, ижодкорликнинг ҳамжиҳатлигини вужудга келтириш, мамлакат ва миллат манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилувчи асарлар яратишга йўналтириш;

- миллий санъат турларини ривожлантиришга устуворлик бериш, бу соҳада фаолият кўрсатаётган ёшларни қўллаб-қувватлаш билан санъатнинг жаҳонда тан олинган жанрларини кенг тарғиб қилиш, ёшлар онгига, миллатимиз маънавий - маданий манфаатларига зид бўлган асарларнинг тарғиб қилинишига йўл қўймаслик.

6. Мафкуранинг миллат, давлат ва ижтимоий гуруҳлар манфаатларини ифодалаш ва ҳимоя қилишдаги аҳамиятини ҳисобга олиб, уни юксак даражада ривожлантириш ва такомиллаштиришда:

- уни миллатнинг миллий, руҳий, ақлий ва маънавий куч-қудрати ва имтиёзларини ўзида мужассамлаштирувчи илҳомбахш мафкурага етказиш:

- мафкуранинг маънавият ва маърифат таянчи ўлароқ, иқтисодий - сиёсий тафаккурни шакллантириш, демократик жараёнларни

чуқурлаштириш ва фуқаро фаоллигини таъминлашдаги мавқеини ошириб бориш.

7. Оммавий ахборот воситаларининг маънавият ва маърифат нинг тарғиб - ташвиқ қилиш, жамият ва ҳаёт муаммоларини ўртага ташлашдаги тезкорлик ва оммавийлик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда:

- уларнинг савиясини кўтариш, чинакам маънода тўртинчи ҳокимият даражасига етказиш;

- газета, журнал, радио эшиттиришлар фаолиятини такомиллаштириш, телекўрсатувларда ҳаётий муаммоларни кўтариш муҳитини вужудга келтириш, айниқса бағишланган кўрсатувларда миллий қадриятлар, замонавий анъаналарга кенг эътибор қаратиш;

- республика радио ва телевидения тизимида ишлаётган кадрларнинг савиясини кўтариш, бу соҳада миллий тушунчалари шаклланган юқори малакали кадрларни жалб қилиш, иқтидорли ёшларни хорижий мамлакатларга малака оширишга, тажриба алмашишга юбориш;

- Марказий Осиё мамлакатларининг ўзаро яқинлашуви билан боғлиқ бўлган ҳақиқатларни чуқур билиш ва тарғиб қилиш мақсадида олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг масъуллигида “маънавият тараққиёт” номли ойлик журнал чиқаришни йўлга қўйиш.

8. таълим, фан, соғлиқни сақлаш, адабиёт, техника-технология, давлатни идора қилиш, унга раҳбарлик қилиш, қишлоқ хўжалиги ва бошқа тизимларда чуқур билим ва бой тажрибаларга эга бўлган кишилардан иборат зиёлилар гуруҳини ташкил қилиш, уларнинг фаолиятини янги ғоялар раванқига сафарбар этиш, миллат ва давлат тақдири учун аҳолининг умумий масъулиятини оширишга қаратиш;

- юксак малакали мутахассислардан унумли фойдаланиш, уларнинг иш тажрибаларини кенг ёйиш, фан докторлари, профессорларнинг бозор иқтисодиётини шароитидаги моддий - маънавий эҳтиёжларни ҳисобга олиш, уларнинг мақомини кўтариш, маош тайинлашда фан номзоди ва доктори ўртасидаги тафовутларни қайта кўриб чиқиш, айниқса фан докторлари тайёрлаш учун давлат томонидан сарфланадиган маблағни уларнинг давлатга келтирадиган фойдаси ва хорижий мамлакатлар тажрибаларини ҳисобга олиб белгилаш, уларга ойлик иш ҳақини белгилашда тегишли имтиёзлар бериш масалаларини кўриб чиқиш;

- миллий ақл-заковат салоҳиятини сақлаб қолиш, уни ривожлантириш, мамлакатимизнинг ҳозирги замон цивилизациясига кириб боришида зиёлиларнинг алоҳида ўрни ва хизматларини эътиборга олиб, нафақат Ўзбекистон фан арбоби, балки барча фан докторлари ва профессорларига, давлат ва жамоат ташкилотларида хизмат кўрсатган зиёлиларга нафақалар тайинлашда, соғлиқни тиклаш муассасаларидан фойдаланишда имтиёзлар бериш масаласини ҳал қилиш.

9. Жамоат ташкилотлари, давлат тизимига кирмаган, аммо давлатнинг меъёрий ҳужжатларида белгиланган ҳуқуқлари доирасида фаолият кўрсатувчи ёшлар, оммавий, сиёсий ва халқаро ташкилотлар маънавият ва

маърифат ишларини ташкил қилиш ва ривожлантиришда муҳим ўрин эгаллайди;

- маҳалла йиғинларининг миллий урф-одатлар, анъаналар, кадриятларни тарғиб қилиш, кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишда, давлат ва хайрия ишларини жонлантиришда фаол иштирок этишини таъминлаш;

- ёшларнинг моддий - маънавий эҳтиёжларини қондириш, айниқса, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, миллий-сиёсий, ҳуқуқий онгини ривожлантиришда ёшлар ташкилоти фаолиятини кучайтириш;

- фуқароларнинг соғлигини моддий ва ҳуқуқий ҳимоя қилишда касаба уюшмалари мавқеини ошириш;

- мамлакатда демократик жараёнларнинг ривожланиши учун, фикрлар хилма-хиллигини ривожлантириб бориш, омманинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини юксалтириш, уларнинг давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида иштирок этишини таъминлаш, мамлакатда мавжуд муаммоларни дадил кўтариб чиқишда сиёсий партиялар билан яқиндан ҳамкорлик қилиш, баргаликда фойдали тадбирлар ўтказиш;

- оила, мактаб, олий таълим, соғлиқни сақлаш, маданият ва маърифат тармоқларини моддий жиҳатдан таъминлашда турли жамғармаларнинг маънавият ва маърифат ишидаги фаоллигини ошириш.

МАЪНАВИЙ ВА МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МЕТОДИКАСИ.

РЕЖА:

1. Маънавий – маърифий соҳадаги ташкилий ишлар.
2. Маънавий – маърифий масканларни ташкил этиш.
3. Маънавият марказларини жиҳозлаш.

Адабиётлар:

- 3.Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.7.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил. 84-102 бетлар.
- 4.Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 489-508 бетлар.
- 5.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 462-467 бетлар.
- 6.Каримов И.А. Эғали юрт эркини бермас. Т.9.-Т.: “Ўзбекистон”. 2001 йил. 70-98 бетлар
- 7.Каримов И.А. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласидаги сўз боши. Т.9.-Т.: “Ўзбекистон”, 2001 йил/.
8. Каримова В. Тарғиботнинг психологик услублари.-Т.: “Маънавият”, 2001 йил.
- 9.Каримова В., Умаров А., Қуронов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онгига сингдириш омиллари ва воситалари.-Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил.

1. Ташкилий ишлар

1. Ректорат ва жамоат ташкилотлари ҳамкорлигида профессор-ўқитувчилар ва талабалар ўртасида олиб бориладиган маънавий - маърифий ишлар режаларини ишлаб чиқиш.

Эслатма. Кейинги пайтларда айрим ўқув юртларида ёшлар жамоат ташкилотларининг ташаббусокрлиги сусайиб, улар фақат ойлик бадалларни йиғиш билан, баъзи жойларда эса тadbиркорлик деб, савдо-сотик ишларини ташкил қилиш, билан чекланиб қолганлиги сезилмоқда. Профессор-ўқитувчилар ва талабалар маънавиятини юксалтиришда ва уларни маърифатли қилишда бу ташкилотларнинг ректорат билан яқиндан ҳамкорлиги жуда ҳам зурар. Асосий ташкилий ишлар уларнинг ташаббуси билан амалга оширилса, яна ҳам мақсадга мувофиқ бўлур эди.

2. Республикамиз Президенти ва ҳукуматининг маънавият ва маърифатга оид фармонлари ва қарорларини жамоада кенг муҳокама қилиш, улардан келиб чиқадиган вазифаларни белгилаб олиш.

3. Республика “Маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази, вилоят, шаҳар ва тумандаги, тегишли бўлимлар билан яқиндан ҳамкорлик ўрнатиш, мазкур ташкилотлар ходимлари билан доимий учрашувлар ўтказиб туриш.

4. Барча факультетлар талабалари ўқийдиган бинолар ва ётоқхоналарда “Маънавият ва маърифат” хоналари ташкил этиб, уни жиҳозлаш. Олий ўқув юрти ва ётоқхоналарининг асосий кириш жойларида, кутубхона ва ўқув залларида халқимизнинг маънавий бойлигини ва маърифатлилигини тараннум этувчи “Юксак маънавият ва маърифатлилилик - мустақил келажагимиз гарови” мавзуида китоблар, плакатлар кўргазмасини ташкил қилиш.

5. Республика “маънавият ва маърифат” жамоатчилик маркази ва унинг жойлардаги ташкилотлар билан ҳамкорликда университетда мунтазам равишда китоб савдоси ташкил этиб туриш.

6. Ихтисослиги яқин ўқув юртлари маънавият ва маърифат ишлари проректорлари, бўлим бошлиқлари, методистлар ва факультетлар деканларининг шу соҳа бўйича муовинлар иштирокида мунтазам равишда қилинаётган ишлар, тажрибалар, вазифалар хусусида семинарлар ва анжуманлар ўтказиб туриш.

2. Маънавият ва маърифат хоналари ҳамда масканларини қандай номлаган маъқул?

Мустақиллик туфайли сиёсий, ижтимоий - иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий - маърифий, мафкуравий соҳаларда муҳим ўзгаришлар рўй беради. Хусусан, олий ўқув юртлари, академик лицейлар ва касб-хунар коллежлари, барча вазирликлар, давлат кўмиталари, уюшмалар, корпорациялар,

концернлар, компаниялар, бирлашмалар, банклар, муассаса ҳамда ишлаб чиқариш корхоналарида янги бир “Маънавият хоналари”, “Маърифат хоналари”, “Маънавият маскани”, “Маънавият мажмуаси”, “Маънавият маркази” ва ҳоказо номлар билан номланувчи маънавий - маърифий масканлар пайдо бўлмоқда.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, ушбу ташкил этилаётган мажмуалар кимнингдир кўрсатмаси ёки буйруғи билан вужудга келаётгани йўқ, аксинча, ҳар бир жамоанинг хоҳиш-истаги, иродаси, интилишлари билан пайдо бўлмоқда. Бу қувонарли ҳол, албатта. Чунки ушбу янгилик мустақиллик йилларида амалга оширилган маънавий - маърифий ислохотларнинг мевасидир. Демак, ҳозирги даврда пайдо бўлаётган бундай масканлар жамиятнинг маънавий эҳтиёжи зарурати, десак, асло янглишмаймиз.

Мадомики шундай экан, ташкил бўлаётган бундай масканлар қандай номланиши керак?

Ҳозирча бундай масканларни баъзилар “Маърифат хонаси”, яна кимлардир “Маънавият маркази”, бошқа бировлар “Маънавият бурчаги”, “Маънавият маркази” сингари номлар билан номлашмоқда. Бизнинг фикримизча, ташкил этилаётган бундай масканларни “марказ” ёки “бурчак” деб номлаш тўғри эмас.

“Марказ” деганда, авваламбор барчанинг кўз олдида ўз ҳисоб рақами ва низомига эга, Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган жамоатчилик ташкилоти гавдаланади. Иккинчидан, “Маънавият бурчаги” деб номлаш ҳам мантиқан унчалик тўғри эмас. Масалан, мактабларда ташкил қилинаётган хоналарни аксарият жойларда “Маърифат хонаси” деб юритилмоқда. Ахир, мактабнинг ўзи аслида маърифат маскани - ку. Маърифат масканида яна “Маърифат хонаси” ташкил этиш мантиққа тўғри келадими? Шунинг учун ҳозирги вақтда бундай жойларни ташкил қилишдан аввал унинг вазифаси нимадан иборат эканлигини яхшилаб аниқлаб олишимиз керак. Ана шу мақсад ва вазифалар моҳиятидан унинг номи ҳам келиб чиқади. Ташкил этилаётган бундай жойларнинг энг асосий мақсади инсонни маънавий баркамол қилиб тарбиялаш экан, уларни “Маънавият маскани” деб атасак, мақсадга мувофиқ бўлади.

3. Ягона андоза керакми?

Олий ўқув юртлари, академик лицейлар, касб-ҳунар коллежлари, ўрта умумтаълим мактаблари ва ишлаб чиқариш корхоналарида ташкил қилинаётган “Маънавият маскани” шунчаки хўжақўрсинга ёки кўз-кўз қилиш учун эмас, балки соф маънавий - маърифий ишлар натижаси ўлароқ вужудга келиши керак. Кузатишлар шуни кўрсатмоқдаки, “Маънавият маскани” да фақатгина айрим тадбир ва йиғилишлар ўтказилиб, бошқа пайтлар ёпиб қўйилмоқда. Албатта, “Маънавият маскани” ни бундай ташкил этиш тўғри эмас. Фикримизча, “Маънавият маскани” ҳар бир жамоанинг юзи бўлиши ва жамоанинг ҳар бир аъзоси у ердан маънавий озиқ ола билиши лозим.

“Маънавият маскани” ни ташкил этиш учун бутун мамлакатимизда ягона андоза бўлиши керакми?

“Маънавият маскани” ни ташкил этиш нуқтайи назаридан олиб қараганда, ягона андоза жуда ҳам керак. Лекин мазмуни жиҳатидан олиб қараганда эса ягона андоза бўлиши шарт эмас. Чунки ҳар бир мактаб, академик лицей, касб-ҳунар коллежи ва олий ўқув юрти ёки муассаса ёки ташкилот ўз имконияти, касбий йўналишидан келиб чиқиб мазмунан ранг – баранг “Маънавият масканлари” ташкил этишлари мақсадга мувофиқ.

Шунга қарамасдан, ҳар қандай “Маънавият маскани” умумий талабларга жавоб бериши керак.

4. “Маънавият маскани”ни ташкил қилиш учун жой танлаш

Албатта, ушбу масала ҳар бир жамоанинг ихтиёридаги иш. Аммо кўпгина жамоларда жой масаласи муаммо бўлиши ҳам мумкин. Шу нуқтаи-назардан биз ўз тавсияларимизни беришни маъқул топдик:

1. Олий ўқув юртлари, академик лицей, касб-ҳунар коллежлари ва мактабларда “Маънавият маскани” кутубхонанинг қироатхонаси (ўқув зали) ёки маъруза залларининг бирида ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Бироқ бу хонанинг кенг ва ёруғ бўлишига алоҳида эътибор бериш керак.

2. Барча вазирликлар, Давлат қўмиталари, уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бирлашмалар, банклар, муассасалар ва ишлаб чиқариш корхоналарининг мажлислар залида ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўлади.

5. “Маънавият маскани” ни жиҳозлаш

“Маънавият масканлари” ни жиҳозлашда, асосан, қуйидагиларга эътибор бериш лозим:

- Ўзбекистон Республикасининг Давлат рамзлари (Байроқ, Герб, Мадҳия) ва уларнинг тўлиқ таснифи;
- сиёсий-ҳуқуқий кадриятларимиз (мамлакатимиз харитаси, Конституциямиз ҳамда миллий валютамизни ифодаловчи лавҳалар);
- маънавий-маърифий ислохотларга оид фармонлар, фармойишлар, қонунлар ва қарорлар жамланмаси;
- мустақиллик, маънавий-маърифий ислохотларга оид Президент Ислом Каримовнинг асарлари ҳамда уларнинг қисқача аннотацияси;
- миллий маънавиятимизнинг забардаст вакиллари сиймолари акс эттирилган суратлар ҳамда уларнинг донишмандона фикрларидан намуналар;

- халқимизнинг маданий мероси, анъаналари, удумларини акс эттирвчи кўргазмалар;
- Республика Маънавият ва маърифат Кенгаши нашрлари, “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналларининг барча сонлари;
- “Маънавият” нашриётида чоп этилган асосий китоблар;
- “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласи, шу фан ҳамда “Маънавият асослари”, “Одобнома”га доир дарслик қўлланмалар асосий газета ва журналлар тахламлари;
- Диний ахлоқий китоблар, мазкур жамоа аъзоларининг ақл-салоҳиятини ва нафосатини ифода этувчи намуналар.

Шунингдек, бу ишда ўта муҳим бўлган иккита янгиликни жорий этиш тавсия этилади:

Биринчиси, элшунос олим, тарих фанлари номзоди Билол Аминов томонидан ёзилган “Ҳикмат – ибрат” рисоласида келтирилган “Тилло кушчалар парвози” номли ҳикматлар йўриқномасига биноан “Маънавият маскани”нинг бир қисмида деворнинг катта ва кичик сатҳи лойиҳа асосида ишланиб, “Доно бўлай десангиз” ёки “Олим бўлай десангиз” каби сўзлар заруриятга кўра турли тилларда ёзиб қўйилади. Бу катта ёзувлар остига нақшли хошияларга ҳикматли сўзлардан 15 – 20 таси чиройли қилиб ёзилади. Хошиялар атрофида чиройли кушчалар парвози, дарахтларда ўтирган ҳолатлари гул ёки дарахтда сайраётган кушлар тасвири берилади.

Остига 8 – 10 қутича ўрнатилади. Уларга ҳафтада икки ёки уч марта “визитка” шаклидаги турли ҳикматлар ёзилган “тилло кушчалар” макети солиб қўйилади, уларнинг сони кишилар сони кишилар сонига қараб кўпайтирилиши мумкин. Чиройли нақшли “визитка”да 2 тадан ҳикмат ёзилган бўлади. “Тилло кушчалар” номини олган бу “визитка”ларни ўқувчи талаба ёки ходимлар ўз ихтиёрлари билан оладиган ва келгусида давомини сабрсизлик билан кутадиган бўлишлари керак.

Матнлар муассаса, корхона ва ташкилотларнинг маънавият ва маърифат бўлимида тайёрланади ва ксерокс аппаратида кўпайтирилади.

Дастлаб ҳафтада бир марта, кейинчалик икки-уч марта сеанслар ташкил этиш мумкин. Сеансларни катта танаффус вақтида ёки машғулотлардан сўнг ўтказса бўлади. Сеансларда бериладиган маънавий озик табиий равишда эҳтиёжга айланиб кетиши ва ёшлар эътиборини тортиши учун “чақирувчи хабар сигналлари”дан фойдаланиш мақсадга мувофиқ. Масалан, сунъий дарахт ёки катта тувакдаги манзарали дарахт ва гулларга, маълум вақтларда улар орасига усталик билан жойлаштирилган товуш чиқарувчи карнайча орқали магнитофондан сайроқи кушлар овози бериб борилади. Буни шундай ташкил қилиш керакки, куш сайраши ўрнига Турғун Алиматов танбурда ижро этган мумтоз куйлардан бериб бориш ҳам мумкин. Бу оний лаҳзаларда кишилар ҳам маданий, ҳам маънавий озик

олишига ишончимиз комил. Ушбу янгиликни жойларда мутахассислар соддалаштириб ёки жонлантириб ташкил этишлари ҳам мумкин. Масалан, хикматларни нафақат “визитка” шаклида, балки, кўргазмали плакатлар ёки техник воситалар ёрдамида ҳам бериш мумкин. Жалб қилиш борасида мумтоз ўзбек куйларидан ҳам фойдаланилса айти муддао бўлур эди.

Иккинчи янгилик – бу жуда содда, лекин ғоятда маъсулиятли иш, миллий маърифат тизимидаги ғоятда муҳим ўзгаришдир. Халқимизнинг маданий мероси, урф- одатлари, анъаналари ва қадриятлари туширилган видеожамланма ташкил этилади. “Минг бор эшитгандан, бир бор кўрган афзал”, - дейди доно халқимиз.

“Одобнома” ҳамда “миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари” дарсларида, “Маънавият кун”лари ҳар доим оғзаки баён қилиш услубидан фойдаланавермай, видеожамланма воситасида дарслар ташкил этиш жуда катта самара берган бўлар эди. Тўғри ушбу янгилик академик лицейлар, касб-хунар коллежлари ва олий ўқув юртларида молиявий маблағ талаб этади. Бундай муаммони ҳомийлар ва ўзига бақувват ишлаб чиқариш корхоналари ёрдамида ҳал этиш мумкин. Маданий мерос, урф-одат, анъана ва қадриятларимизни ифода этувчи видеотасмалар “Маънавият вамаърифат” маркази, “Олтин мерос”, “Маҳалла” жамғармаларининг жойлардаги бўлимлари ҳамда туман халқ таълими методистлари билан ҳамкорликда тайёрланса мақсадга мувофиқ бўлади. “Маънавият маскани”да видеожамланмани ташкил этиш ёш авлоднинг маънавий камолотида замонавийликка мос восита усули бўлар эди.

Умуман, ёшларнинг замонавий дунёқарабини ҳисобга олиб, юқорида келтирилган икки янгиликни имкони борича жорий этиш самара бериши шак-шубҳасиз.

7. “Маънавият маскани” нинг олд қисмини жиҳозлашга оид тавсиялар

“Маънавият маскани”нинг олд энг юқорисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг қуйидаги сўзлари ёзилади:

“Маънавият инсонга она сути, ота намунаси, аجدодлар ўғити билан бирга сингади ”

Бундан сўнг:

“Ўзбекистон – келажаги буюк давлат!” шиори ёзилади.

Ушбу ёзувларнинг юқоридан чап қисмида Ўзбекистон давлатининг рангли сиёсий харитаси жойлаштирилади.

Хаританинг пастки қисмида қуйидагилар ёзилади:

Давлат тузуми – Республика

Қонун чиқарувчи олий органи – Олий Мажлис Парламентимиз Сенат ва қонунчилик палатасидан иборат,

Давлатни – Президент бошқаради.

Маъмурий ва ҳудудий тузилиши: Қорақалпоғистон Республикаси, 12 вилоят, Тошкент шаҳри ва 161 қишлоқ туманлардан иборат.

Худуди – 447,7 минг кв.км. Пойтахти – Тошкент шаҳри.

Хаританинг ёнидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг портрети ҳамда пастки қисмида унинг қисқача таржимаи ҳоли берилади.

Ҳозирги кунгача мавжуд бўлган “Маънавият маскани”ларида Давлат рамзларини тўғри ўрнатиш ёки жиҳозлаш масалаларида турли хил қарашлар мавжуд эди. Шу сабабли бу йўналишларда ўз тавсияларимизни беришни маъқул топтик.

Юқорида келтирилган давлат рамзлари ва сиёсий харитага тенг ҳажмда китоб тасвири туширилиб, унинг тепа қисмида “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси” деб ёзилади. Пастки қисмидан эса “Ўзбекистон – мустақил, демократик республика”, “Ўзбекистон Республикаси” ва “Ўзбекистон” деган номлар бир маънони англатади, “Демократия – Ўзбекистон ижтимоий–сиёсий тараққиётининг бош йўли” ва “Бизнинг Конституциямиз яқка партиявийлик, синфий иллатларидан холидир”, - деб ёзилади.

Давлатчилигимиз тарихининг қайси бир даврини олиб қарамайлик, Ватан тимсоллари азиз ва муқаддас саналган. Ҳар бир даврда ҳам давлат рамзлари, тимсоллари шунчаки сиёсатни амалга ошириш воситаси бўлибгина қолмай, балки, жуда катта ижтимоий-маънавий аҳамият касб этган. Халқимизнинг мустақил ва мустаҳкам давлат барпо этиш ғояси, салоҳияти ва умуминсоний кадриятларга содиқлиги, энг аввало, давлат рамзлари ва тимсолларида ўз ифодасини топган.

Шунинг учун бўлса керак аجدодларимиз ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётида рамзлар ва тимсолларни жуда эъзозлаган. Халқимиз вакиллари давлат тимсоллари учун, ҳатто, ўз жонларини ҳам фидо этган. Жангу жадалларда байроқнинг қулаши ёки душманнинг қўлига ўтиши мағлубият билан баробар турган. Бу юорада тарихимиздан жуда кўп мисоллар келтириш мумкин. Масалан, 1221 йилнинг кузида мўғул босқинчилари олти ойлик қамалдан сўнг Хоразм пойтахти Гурганжга ёпирилиб кирганида миллатимизнинг буюк қаҳрамонларидан бири Шайх Нажмиддин Кубро шаҳар мудофаасига раҳнамолик қилиб тенгсиз курашда ўз кўксини душман найзасига қалқон қилади, юрт озодлиги йўлида шаҳид бўлади. Айтишларича, Шайх ўлими олдидан мўғул яловбардоридан душман байроғини тортиб олиб, у билан ерга қулайди. Ёвга нисбатан нафрат шу қадар шу қадар кучли эдики, мўғуллар кейинчалик шайхнинг жонсиз қўлидан байроқларини тортиб ололмаган ва унинг панжаларини кесиб, ўз байроқларини олган. Шайх Нажмиддин Кубронинг юрт озодлиги йўлидаги бу жасорати қарийб саккиз юз йилдирки, барча авлодларга ибрат бўлиб келмоқда.

Соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам давлат байроғи жуда катта аҳамият касб этган. Шу сабабли жангу жадалларда давлат байроғини Амир Темурнинг энг ишонган баҳодир сипоҳийлари қўриқлаган. Амир Темур Тузукларида таъкидланишича, душман устидан шижоат ва мардлик кўрсатиб ғалаба қозонган амирлар ва сипоҳийлар Темур давлатининг тимсоллари –

туғ, ноғора билан мукофотланган. Бу ҳам соҳибқирон салтанатида давлат рамзлари нечоғли баланд турганлигидан далолатдир.

Шонли тарихимздан бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хўш, бугунги кунда мустақил давлатимиз рамзлари, хусусан, миллат ғурури бўлган байроғимизга муносабат қандай?

Келажаги буюк давлат барпо этиш ғояси мустақиллигимизнинг илк кунларидаёқ қабул қилинган давлатимиз рамзи ва тимсолларида ҳам ўз ифодасини топган. 1991 йилнинг 18 ноябрида қабул қилинган байроғимизда ҳам халқимизнинг хоҳиш –иродаси, ақл-салоҳияти, асрлар давомида сўнмаган ғурури, кайфияти акс этган.

Давлатимиз байроғида ифода этилган янги чиқиб келаётган ярим ой, юлдузлар, мовий, оқ, яшил ранглар ҳамда қизил хошия чизиқлар халқимиз ғурури ва келажакка бўлган ишончининг ифодасидир. Мустақилликнинг илк кунлариданоқ байроғимиз халқимизнинг ғурури манбаига айланди. Республикамиз миқёсида ўтказиладиган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий тадбирлар Давлат байроғини тантанали суратда кўтариш, мадҳиямизни куйлаш билан бошланади. Халқимиз мустақиллик туфайли қаддини тиклаган маънавияти, ғурури 1992 йилнинг 2 мартда БМТга аъзо мамлакатлар сафига Ўзбекистон байроғининг хилпираши билан бир неча бор ўсганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Давлат байроғининг ҳуқуқий асоси 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи тўғрисида”ги қонун билан мустаҳкамланиб, бу ҳужжатда байроғимизнинг шакл-шамойили, ундан фойдаланишнинг йўл-йўриқлари пухта ва аниқ кўрсатиб берилди. Ўша пайтдан бошлаб болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида душанба кунги сабоқлар Давлат байроғининг тантанали суратда кўтарилиши, болаларимизнинг ўнг қўлларини кўксига қўйиб, мадҳиямизни куйлашидан бошланиши фарзандларимиз қалбида Ватанга, унинг рамзларига нисбатан муҳаббат ва садоқатнинг пайдо бўлишига олиб келди. зеро ватанпарварман деган ҳар бир инсон, энг аввало, бебаҳо ижтимоий- сиёсий қадриятларимиз бўлган Давлат рамзларини билишлари, ҳурмат қилишлари шарт.

Давлат рамзларига бўлган муносабатларимизни, энг аввало, Давлат рамзлари тўғрисидаги қонунларни ўрганишдан бошлашимиз керак. “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида” ги қонун муқаддас байроғимизни ўрганишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Хўш, бугун Давлатимиз рамзлари тўғрисидаги билимларимиз етарлими?

Бу борада, юқорида таъкидлаганимиздек, болалар боғчалари, мактаблар, академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртларидаги аҳвол ёмон эмас. Аммо ишлаб чиқариш корхоналари, ташкилот ва муассасаларда Давлат рамзларини ўрнатиш, жиҳозлаш масалаларида бир оз эътиборсизликка йўл қўйилмоқда. Айрим корхона, ташкилот ва муассасаларнинг раҳбар ходимлари иш хоналарида байроқни дастасига ўраб

бир бурчакка суяб қўйишларини қандай тушуниш мумкин? Ёки шу корхона, ташкилот, муассасаларнинг мажлислар залларида Давлат рамзлари тўғри ўрнатилганми? Шунингдек, айрим ташкилот, корхона, муассасаларнинг ҳудудлари деворларида байроқ тасвири чала чизилаётганлиги ўша ташкилот, корхона, муассасалар мутасаддиларининг Давлат рамзлари тўғрисидаги билимлари ўта саёз эканлигидан далолат беради.

Улар “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида”ги қонуннинг 10-моддасидаги “Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи ва унинг тасвири, катта-кичиклигидан қатъи назар, ҳамма вақт ушбу қонунга илова қилинаётган рангли ва схематик тасвирига аниқ мос бўлиши керак”лигини ҳеч ўқиб кўрганмиканлар?

Шунингдек, қонунда Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғини давлат ҳокимияти ва давлат бошқарув идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар биноларида кўтариш чоғида ушбу қонунда баён этилган талабларга риоя қилиниши учун масъулият уларнинг раҳбарлари зиммасига, байроқ турар-жой биноларида кўтарилган вақтда эса уларнинг эгалари ёки улардан фойдаланишни ташкил этиш топширилган мансабдор шахслар зиммасига юклатилганлиги (11-модда) ҳақида аниқ ёзиб қўйилган.

Бу билан биз корхона, ташкилот, муассасалар раҳбарларини айбламоқчи эмасмиз. Бу қураётган янги жамият кўпроқ тушунтириш ишларини олиб боришни талаб этади. Худди шу йўналишда Республика “Маънавият ва маърифат” маркази ва унинг ҳудудий бўлимлари мунтазам тарғибот ишларини йўлга қўйган. Давлат рамзларини амлдаги қонунлар асосида тўғри ўрнатиш йўналишида ўз тавсияларини бериб бормоқда. Яна бир бор ўз тавсияларимизни баён этамиз:

- биноларнинг пештоқларида байроқни тўғри ўрнатиш, қуёш нури, ёмғир, чанг-тўзондан ранги ўчиб, эскириб қолган байроқ халқимизнинг руҳияти, кайфиятига асло мос келмаслигини ҳисобга олиб, эскирган, ранги ўчган байроқни янгилаб туриш;

- биноларнинг олд томонида (очиқ майдонда) бошқа давлатларнинг байроқлари билан биргаликда ўрнатилганда Ўзбекистон Республикасининг байроғи (бинонинг олд томонига қараб турганда) ўнг томондан, бошқа давлатларнинг байроқлари чап томондан ўзбек алифбоси асосида ва бир хил баландликда жойлаштирилиши;

- байроқнинг тасвири туширилаётганда қонун асосида белгиланган схематик ва рангли тасвирга қатъий амал қилиш;

- байроқнинг рамзий маънолари тарғибида қабул қилинган тасниф асосида тўғри талқин этиш керак.

Буларнинг барчаси кишиларнинг сиёсий-маънавий кайфиятига ижобий таъсир этишини унутмаслигимиз лозим. Давлат рамзлари ва тимсоллари худди она Ватан каби азиз ва муқаддас. Уларни севиб, ардоқлайлик.

Хоналрда ёки бинонинг ички қисмида Давлат рамзларини ўрнатаётганимизда ҳар доим олд қисмида ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Давлат байроғи, герби, мадҳияси билан жиҳозлашда ҳар доим рамзий тасниф билан бирга бериш жуда катта самара берган бўлур эди.

7. “Маънавият маскани” нинг ўнг қисмини жиҳозлашга оид тавсиялар

Юқорида чапдан аجدодларимиздан бизгача етиб келган энг қадимий ёзма маънавий меросимиз бўлган “Авесто” ва унинг бугунги кундаги тарбиявий аҳамияти ўз ифодасини топиши керак. Юқорида “Авесто маънавий зиёси” деб ёзилгандан сўнг 1-жиҳоз остига китоб сурати чизилиб, устига “Авесто” деб ёзилади. Китобнинг пастки қисмида “Авесто”нинг “Ардвисуряшт” деб номланган қисмидан олинган ушбу парча ёзиб қўйилади:

Мен Парушасп зурриёди ўшал Зардуштким,
Мудом сабоқ бермоқчиман.
Иймон билан фикр айласин,
Иймон билан сўз сўйласин
Ва иймонга амал қилсин.

Ундан кейин “Эзгу ният, эзгу сўз, эзгу амал” сўзлари ёки “Авесто”да олдинга сурилган яна бир муҳим маънавий даъватлардан бири – “Она табиатга меҳр-муҳаббатли бўл, ер, сув, оловни эъзозла, яратувчилик меҳнатини улуғла”,-сўзлари ёзилса мақсадга мувофиқ бўлади.

1-жиҳознинг ёнидан эни ва бўйи унга тенг равишда 2-жиҳоз “Туркий қавмлар маънавияти” жой олади. Ушбу рукнда миллий қаҳрамонларимиз Алп Эр Тўнга (Афросиёб), Широқ, Тўмарис, Спитаменларнинг Ватан озодлиги йўлидаги қаҳрамонликлардан лавҳа ва намуналар келтириш мумкин.

Масалан:

Ёз кўркингга ишонма,
Сувлар уза таянма,
Ёмонликка отланма,
Тилдан чиқар эзгу сўз.

Алп Эр Тўнга жангномасидан.

Ёки шу рукннинг ўзида энг қадимги туркий ёзувлар, битиктошлардаги ҳозирги давр учун ибратли бўлган ҳикматлардан намуналар бериш мумкин. Шундан сўнг туркий адабий тилнинг шаклланишига муҳим таъсир кўрсатган буюк алломалар Маҳмуд Қошғарий, Юсуф Хос Хожиб, Аҳмад Югнакийларнинг буюк асарлари тасвири тушурилиб, биричи китоб устига “Девону луғотит турк”, иккинчи китоб устига “Ҳиббат ул-ҳақойиқ”, учинчи китоб устига “кутадғу билиг” деб ёзилади ва ушбу асарлардан ҳикматли байтлар келтирилади. Масалан:

Бири тўғрилиқка таянч – Адолат,
Бири Давлат эрур, у қутли ғоят.
Учинчи – улуғлик Ақл ҳам Зако,

Тўртичи – қаноат эрур бебаҳо.

Юсуф Хос Хожиб.

Билимни буюк бил, укувни улуғ,
Шу икков улуғлар кишини тўлиқ.

Юсуф Хос Хожиб.

Маҳмуд Қошғарий, Аҳмад Югнакийларнинг юқорида таъкидланган асарларидан ҳам ҳикмат намуналарини келтириш мумкин.

3-жихоз “Ислом нури зиёси” деб юритилиб, муқаддас “Қуръон” тасвири берилади ва қуйидаги оят ёзиб қўйилади.

“Икра ва Роббука акрам, аллази аллама бил қалам. Аллама – л – инсона ма лам яълам”. (“Ўқи! Сенинг ўта қарамли павардигоринг қалам воситаси билан таълим берди. Инсонга у билмаган нарсаларни ўргатди”.) Ушбу оятнинг пастки қисмида китоб тасвири тушурилиб, унинг устига “Ал – жомийъ ус - саҳиҳ” деб ёзилади ва Имом Бухорий ҳазратларининг қуйидаги ҳадисларикелтирилади:

“Кимки илм олган бўлса, пайғамбар алайҳиссаломдан тўлиқ мерос олибдир. Кимки илм истаб қадам қўйса, Оллоҳ таоло унга жаннат йўлини осон қилгайдир”.

Тагидан буюк муҳаддис олимлар – Имом Бухорий, Имом Термизий ҳамда буюк мутасаввуф шайхлар – Абдулҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд номлари ёзилиб, “Ватанни севмоқ иймондандир”, “Бешиқдан қабргача илм изла” каби ва бошқа ҳадислар “Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин” сингари ҳикматлар келтирилса, боболаримиз даъватларини замондошларимизга етказиб, уларда илмга иштиёқ ҳамда буюк аждодларимиздан фахрланиш туйғусини уйғотган бўламиз.

4-жихоз “қомусий маърифат ёғдуси” деб номланиб, бутун башариятга Дахлдор, Ўрта Осиёда яшаб ижод этган буюк алломалар Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Синоларнинг суратлари ҳамда таржимаи ҳоллари берилади.

Ҳар бир аллома суратининг остки қисмида китоб тасвири тушурилиб, китобда ҳар бирининг ёзган асарлари рўйхати берилиши мумкин. Бундан ташқари буюк қомусий олимларимизнинг донишмандона фикрлари, ҳикматлари, байтлари берилса ёки улар яратган оламшумул ихтиролар саналса ҳам ўқувчилар маънавиятини янада оширади.

5-жихоз “Темурийлар даври маънавияти” деб номланиб, диққат бевосита Соҳибқирон Амир Темур шахси, унинг ҳукмронлиги йилларида фан ва маданиятнинг гуллаб-яшнаганлиги, ҳокимиятни идора этиш усуллари сингари миллий кадриятларга қаратилиши керак. Бу рукнда Амир Темурнинг портрети ва унинг дастури бўлмиш “Куч – адолатда. Адолат раҳбарингиз ва дастурингиз бўлсин” шиори берилади. Шу рукннинг ўзида Соҳибқирон томонидан бунёд этилган тарихий обидалар ва унга вобаста равишда мустақиллик йилларида қурилган “Темурийлар тарихи Давлат музейи” ҳамда

Тошкент, Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларида ўрнатилган Амир Темурийнинг ҳайкалларида бири тасвирланади. Шунингдек, қомусий олим, темурийлар даврининг буюк арбоби Мирзо Улуғбек портрети, унинг қисқача таржимайи ҳоли, ёзган асарлари келтирилади. Буюк шоир, темурийлар даврининг энг забардаст вакилларида бири бўлмиш ҳазрат Алишер Навоийнинг ҳам мўътабар сиймоси, унинг ҳаёти ва ижод йўли, асарларидан намуналар берилади.

Масалан:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Яна Темурийзода Заҳириддин Муҳаммад Бобурийнинг ҳам сиймоси, таржимайи ҳоли, ёзган асарларидан намуналар келтириш мумкин.

Булардан ташқари ушбу рукнда темурийлар даврида жуда ривожланган хаттотлик, миниатюра мусаввирлиги, наққошлик, мусиқа, зардўзлик, кулолчилик санъатидан айрим намуналар келтирилса янада яхши бўлади. Айниқса, миниатюра мусаввирлиги мактабининг асосчиси Камолиддин Беҳзод сиймоси ва унинг асарларидан намуналар берилса, нур устига аъло нур бўлар эди.

6-жиҳоз “XX аср маънавий инқирози ва ютуқлари” деб номланиб, собиқ шўро тизими даврида миллий қадриятларимизга нисбатан олиб борилган сиёсат ҳамда унинг маънавий инқирозга олиб келганлиги тўғрисидаги фикрлар ўз ифодасини топиши керак. Хусусан, тил, урф-одатларимиз, анъаналаримиз, қадриятларимиз, миллий маънавий меросимиз топталганлигини ифода этувчи кўргазмалар, лавҳалар ўз ифодасини топса, хонанинг кўргазмалилиги ошади. Шунингдек, миллий истиқлол ғоясини илгари сурган, куйлаган улуғ алломалар, шоир ва ёзувчилар портретлари, уларнинг мўътабар асарлари, ҳикматли сўзлари донишманд фикрларидан намуналар келтириш мумкин. Масалан, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар Қори, Чўлпон, Фитрат кабиларнинг асарлари, шеърларидан намуналар бериш керак:

“Тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё садоқат, ё фалокат масаласидур”.

Абдулла Авлоний.

“Миллий тилни йўқотмак – миллатнинг руҳини йўқотмакдир”

Абдулла Авлоний.

Туркистон шонимиз, туронли унвонимиз,
Ватан – бизим жонимиз, фидо ўлсин қонимиз!

Абдулҳамид Чўлпон.

8. “Маънавият масканлари”нинг чап қисмини жиҳозлашга оид тавсиялар

Масканнинг бу қисми “Мустақиллик ва маънавият” деб номланиб, ушбу рукнда “Маънавият” нашриёти чоп этган кўргазмали плакатлар,

мустақилликка эришганимиздан сўнг тикланган урф-одатларимиз, қадриятларимиз ва маънавий меросимизга оид ҳамда умумхалқ байрамларини ифодаловчи лавҳалар, шунингдек, буюк алломалар, давлат ва жамоат арбоблари таваллуди тўйларини ўтказиш тўғрисидаги Президент фармонлари, қарорлари, Вазирлар маҳкамасининг қарорлари, шунингдек, мустақиллик даврида қад кўтарган иншоотлар, маданий-маърифий биноларнинг тасвирлари аксини топиши керак. Шунингдек, масканнинг ушбу қисмида мазкур жамоа аъзолари ақл-салоҳияти ва нафосатини ифода этувчи намуналар “Маънавият” нашриётининг нашрлари, газета ва журналлар таҳламлари, Республика Маънавият ва Маърифат Кенгаши муассислигида чоп этилаётган барча нашрлар, хусусан “Тафаккур” ва “Жаҳон адабиёти” журналлари, маънавий таълимга оид дастурлар, дарслик ва қўлланмалар ҳамда “Маънавият маскани”га оид ҳужжатлар жам бўлиши керак.

Профессор-ўқитувчилар ва талабалар билан ўтказиладиган маърифий ишлар

1. Барча фанларни ўқитишда таълим жараёнида асосий эътиборни талабаларни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялашга қаратиш.

2. Ҳар ўқув йилининг сентябрь ойида биринчи курс талабаларига мустақиллик тамойилларини чуқур сингдириш мақсадида мустақиллик рамзларига бағишланган қўшимча дарслар (10-20 соат) ташкил этиш. (Бу дарсларни ижтимоий фанлар ва адабиёт фанлари ўқитувчилари ўтказсалар, мақсадга мувофиқ бўлар эди).

3. Барча талабалар учун ҳар чоршанба куни дарсдан сўнг мутаазам ўтказилиб туриладиган қуйидаги маънавий - маърифий ўқувларни ташкил қилиш:

1 - чоршанба - Президентимиз асарлари ва нутқларини ўрганиш.

2 - чоршанба - Президент фармонлари, ҳукумат қарорлари ва республика қонунларини ўрганиш.

3 - чоршанба - ахлоқий - маърифий ўқувлари (бунда Қуръони карим, ҳадис ва дин илмининг кўзга кўринган намояндалари асарларидан ҳам кенг фойдаланиш).

4 - чоршанба - бозор иқтисодиёти муносабатлари ўқуви.

Ушбу ўқувлар тасдиқланган жадвал асосида тарих, фалсафа, иқтисодий назария, сиёсатшунослик, этика ва эстетика, одобнома, ҳуқуқ кафедралари профессор - ўқитувчиларини тўлиқ жалб қилган ҳолда, Қуръони карим, ҳадис илми ҳамда ислом тарихини яхши биладиган мутахассислар ҳам иштирок этган ҳолда ўтказилади.

4. Барча профессор - ўқитувчилар учун ҳар ойнинг жума кунларида мунтазам равишда қуйидаги маънавий - маърифий ўқувларни ташкил қилиш:

а) Мустақиллик дарслари (Президент асарлари, нутқлари, фармонлари, қарор в қонунлар ўрганилади);

б) бозор иқтисоди муносабатлари;

в) маънавий дарси (талабаларга ўқиладиган маънавий асослари бўйича ҳамда ислом тарихи ва қонун - қоидаларини яхши биладиган мутахассисларни ҳам жалб этган ҳолда);

г) шарқ педагогикаси;

д) шарқ фалсафаси

Ушбу маърифий ишларни уюштириш учун маънавий ва маърифат бўлими ходимлари масъулдирлар. Улар дарс мавзуси, режа ва дастурларни, дарс жадвалларини, маърузачи профессор-ўқитувчиларни, четдан таклиф қилинадиган маърузачилар тайёрлашлари ва таъминлашлари лозим. Дарсларни ташкил этишда эса факультет деканларининг муовинлари бўлим ходимларига яқиндан ёрдам қилишлари керак.

Университет (ўқув юрти) раҳбарияти маърузачилар ва мулоқот дарсларини олиб борадиган ўқитувчиларга қўшимча соатбай ҳақ тўлашлари, уларни ҳар томонлама рағбатлантириб туришлари лозим.

Ўқув юрти миқёсида маънавий ва маърифат ишлари режа ва тадбирларини тузиш ва уни амалга оширишда яна қуйидаги вазифаларга эътиборни қаратиш ҳам муҳимдир:

- ўқув - тарбиявий ишларни юксак даражада ташкил қилиш, ўқувчилар ва талабалар дунёқарашларини кенгайтириш мақсадида ҳар бир фанни маънавий - маърифий руҳда ўқитиш;

- талабалар ётоқхоналарига бириктирилган ижтимоий ва умумий олий ўқув юрти кафедралари маънавий - маърифий, тарбиявий иш режаларини муҳофаза қилиб, уларнинг бажарилишини назорат қилиш;

- мустақиллик ва маънавий мавзуида семинарлар ташкил этиш;

- тарихий ёдгорликлар, маърифий масканлар, санъат кошодалари ҳамда мустақиллик даврида қад кўтарган иншоотларга ўқувчи ёшлар ва талабаларнинг экскурсияларини ташкил қилиш;

- ўлкашунослик ва Ватанисиз тарихига оид тўғараклар ишини жонлантириш;

- “йил профессори”, “йил доценти”, “йил ўқитувчиси” тадбирларини ўтказиш жараёнида иштирокчиларнинг маънавий - маърифий, ахлоқий, тарбиявий ишларда иштирокига эътибор қаратиш;

- ижтимоий кафедра ўқитувчилари, хотин - қизлар уюшмаси ҳамкорлигида талабалар ўртасида “Одоб сабоқлари”, “Одобнома”, “Ҳаёт ва турмуш одоби” мавзусида давра суҳбатлари ўтказиш.

- барча курс ва гуруҳларда “Ватан тарихини билмай туриб, уни тўла севиб бўлмайди”, “Ватан остонадан бошланади” мавзуида давра суҳбатлари, викторина, илмий - тарбиявий соатлар ўтказиш;

- ҳарбий спорт тўғараклари ишларини янада жонлантириш гуруҳларда мардлик - жасурлик дарсларини ташкил этиш;

- факультетларда, ётоқхоналарда, шунингдек маҳаллаларда “Аёл маданияти”, “Қизлар иффиати”, “Аёл маърифати”, “Аёл - тарбиячи устоз”,

“Аёл - кўнгил малҳами”, “Аёл - тадбиркор”, “Аёл - жамиятнинг фаол иштирокчиси” каби мавзуларда суҳбатлар, учрашувлар (кечалар) ва илмий - амалий анжуманлар ўтказиш;

- жамоа ёшларининг умуминсоний ва миллий қадриятлар асосида маънавий, иқтисодий, ҳуқуқий, экологик, меҳнат, эстетик маданиятини шакллантириш мақсадида таниқли санъаткор, ҳуқуқшунос, таълим ва фан арбоблари, меҳнат фахрийлари, соғлиқни сақлаш ходимлари билан ижодий кечалар ва учрашувлар уюштириш;

- талаба қизлар онгини умуминсоний ва маънавий қадриятлар, миллий истиқлол ва мустақиллик мафкураси асосида шакллантириш ҳамда уларнинг оила ва жамият ишларида фаоллигини ошириш мақсадида ўқув юртида “Қизлар клуби” янада жонлантириш;

- маънавият ва маърифат борасидаги янгиликлардан мунтазам хабардор бўлиб туриш мақсадида журнал ва газеталарга обуна бўлишни ташкил этиш;

- миллий истиқлол мафкураси ва ёшлар тарбияси мавзуида университет (ўқув юрти) профессор - ўқитувчиларининг назарий конференциясини ўтказиш;

- миллий удумларимиз бўлган “устоз ва шогирдлик” тизими моҳиятини чуқур ўрганиш асосида профессор - ўқитувчилар ва талабалар ўртасида “устоз шогирдлик” тизимини йўлга қўйиш;

- талабалар ётоқхоналарида “намунали хона”, “намунали қават”, “намунали ётоқхона” кўрик - танловларини мунтазам ташкил этиб бориш;

- талабалар ва профессор - ўқитувчилар ўртасида мунтазам равишда миллий анъаналаримиз ва урф - одатларимизни тараннум этувчи кўрик - танловларни ташкил қилиш;

- ўқув юртида анъанавий спорт мусобақаларини ўтказишда миллий уйинларимизга алоҳида эътибор қаратиш;

- муаллимлар ва талабаларнинг Тошкент шаҳридаги театрларга, музейларга, диққатга сазовор бўлган жойларга жамоа бўлиб боришларини ташкил қилиш;

- ўқув юрти профессор- ўқитувчилари ва талабаларининг шоир ва ёзувчилар, давлат ва жамоат арбоблари, меҳнат фахрийлари каби таниқли кишилар билан учрашувларини уюштириб бориш.

Буларнинг барчаси маънавий ва маърифий ишларнинг мазмуни ва йўналишини аниқлашувчи тадбирлардир. Зеро, ўқув юртлари талабалари орасида бўладиган маънавий ва маърифий ишларни шартли равишда бир неча мажмуа (блоклар) га бўлгандик. Ана шу мажмуалар бўйича тузилган режалар ёшларга маънавий тарбия беришнинг қандай савияда эканлигини кўрсатувчи мезондир. Мазкур мажмуаларнинг, дейлик, биринчиси, талаба-ёшларнинг билим доираси, умуммаданияти ва савиясини юксалтиришга бағишланган викториналар, гуруҳлараро, курслараро билимдонлик ва зукколик юзасидан мусобақалар ташкил этишдан иборат. Бунда ташкилотчилар Ватанимиз, қардош халқлар, умумжаҳон адабиёти, санъати, умуман маданиятига оид саволлар тузиб, иштирокчиларнинг бу

борадаги билимларини синайдилар, ғолибларга тантанали суратда совринлар топширадилар. Бундай тадбирлар иштирокчиларни рағбатлантиришдангина иборат бўлиб қолмаслиги керак. Билағонлик, зукколик кўрсатган талабаларга нисбатан тангдошларида ҳавас уйғотиши, уларда “Мен ҳам ўшандай бўлолмайманми?” деган интилиш туғдириши, ғолибларни тантанали тақдирлаш бошқаларда ҳам ўшаларнинг ўрнида бўлиш орзусини уйғотиши лозим. Бир гап билан айтганда, билағонликни, зукколикни талаб этувчи викторина, мусобақа каби тадбирлар маънавият ва маърифатни улуғловчи катта ташвиқий аҳамиятга эга бўлиши лозим. Агар, борди-ю, бундай тадбирлар хорижий тилларни билиш мусобақасига мўлжалланган бўлса-да, яна-да яхши. Чунки ҳозирги пайтда хорижий тилларни мукаммал ўрганмай туриб, чинакам, мукаммал инсон саналиш қийин бўлиб қолди. Бу замонамизнинг талаби, давр эҳтиёжидир.

Маънавий ва маърифий ишлар юзасидан ўтказиладиган тадбирларнинг муайян мажмуи халқимизнинг тарихи, урф-одатлари, расм-русмлари асосида тайёрланиб, талаба-ёшларда миллий қадриятларимизга ҳурмат уйғотиш руҳида ўтказилиши муҳимдир. Шунини ҳам айтиш керакки бунда миллий ўзига хосликка ҳаддан ташқари эътиборни қаратиш, бошқа миллатларнинг анъаналари, урф-одатларини озгина бўлса-да камситиш, беҳурмат қилиш кабиларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Миллий қадриятлар бўйича тайёрланадиган тадбирлар умуминсоний қадриятлар бағрида, у билан ички, узвий алоқадорлик тарзида ўтказилиши лозим. Жумладан, халқимизнинг тўйлари ҳақида гап кетганда, бир минтақада тарихан ёнма-ён яшаб келган, ҳозир Республикамизда баҳамжиҳат истиқомат қилаётган турли миллат ва элатларнинг тўйлари билан қиёслаб, бошқа миллат ва элатларнинг тўйларига ҳам ҳурмат ҳиссини уйғотган маъкул. Айни пайтда, халқимизнинг тўйларидаги айрим номақбул жиҳатларга, жумладан ортиқча сарф-ҳаражатларга, керагидан зиёд ҳашамларга, шуҳрат орттириш мақсадида “беҳуда бел синдиришга” уринишларни танқидий баҳолашларга ҳам озгина бўлса-да, эътибор берилгани дуруст. Натижада, бундай тадбирларнинг маърифий жиҳати кучаяди.

Маънавий ва маърифий ишларнинг муайян мажмуи Навруз байрами сингари халқимизнинг ажойиб анъаналарига бағишланади. Бундай саналарни нишонлаганда ҳам талаба-ёшларга маънавий ва маърифий жиҳатдан тарбия бериш масаласига алоҳида эътиборни қаратиш керак. Жумладан, Эрон ва Туронзамин халқларининг талайгина анъаналари, урф-одатлари русм-русумлари, умуман турмуш тарзидаги умумийлик, муштараклик мавжудлиги мисолида азалдан ушбу минтақадаги халқларнинг ўзаро иқтисодий ва маданий алоқалари мавжудлигига эътиборни қаратиш ва Наврўз сингари байрамлар қардош халқлар, қўшни халқлар ўртасидаги дўстлик, ҳамжиҳатлик, тотувликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келганини таъкидлаш жоиз. Бу билан Наврўз байрами ташкилотчилари талаба-ёшларда байналмилаллик, дўстлик ва ўзаро хайрихоҳлик туйғуларини кучайтиришга муваффақ бўлдилар. Аслида, қадимдан етиб келган анъана ва расм-русумларни нишонлашдан кўзланган мақсад ҳам шудир. Таъкидлаш

лозимки, Наврӯз байрамига диний тус бериш ўзини оқламайди. Умуман, талаба-ёшларга диний - маърифий тарбия беришда ҳам Республика ҳукуматининг динга бўлган муносабатини аниқлаштирувчи, белгиловчи, шунингдек виждон ва эътиқод эркинлигига оид ҳужжатлари доирасида иш тутмоқ керак. Акс ҳолда кутилмаган, номаъқул натижалар келиб чиқиши мумкин.

Талаба - ёшларга ҳарбий - ватанпарварлик, миллий - кадриятлар мавзуида, она - Ватанни улуғлаш мазмунида кўрик - танловлар, викториналар, кечалар, мунозаралар каби тадбирлар уюштириш мумкин. Бундай тадбирларнинг хилма - хил бўлиши катта аҳамиятга эга. Шу боис маънавий - маъри-фий ишларнинг режаси тузилаётганида талаба - ёшларнинг хоҳиш - истаклари ҳам эътиборга олинса, ёмон бўлмасди. Бунинг учун “Сиз жорий йилда маънавий ва маърифий мавзудаги қандай тадбирлар ўтказилишини истардингиз?” деган савол-жавоб анкетасини уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Умуман, талаба-ёшлар орасида маънавий -маърифий ишларни режалаштириш ва ўтказиш ҳам мароқли, ҳам масъулиятли вазифа. Шу боис бунда ташкилотчиларнинг изланувчанлиги ва топқирлиги кўл келади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони. Т.1996 йил сентябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимида жорий этиш тўғрисида Фармойиши. 2001 йил, 18 январь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги ПҚ 451 сонли қарори. 2006 йил 25 август

Каримов И.А. “Истиқлол ва маънавият” Т. “Ўзбекистон”1994 й.

Каримов И.А. «Туркистон умумий уйимиз» Тошкент, «Ўзбекистон», 1995 йил.

Каримов И.А. Ўзбекистонда демократик ислохатларни чуқурлаштиришнинг муҳим вазифалари. Тошкент, «Ўзбекистон»1995 йил

Каримов И.А. «Биздан озод ва обод Ватан қолсин». 2-жилд «Ўзбекистон», 1996 йил.

Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т.6.-Т.: “Ўзбекистон”, 1998 йил.

9.Каримов И.А. Жамият мафкураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. Т.7.-Т.: “Ўзбекистон”, 1999 йил. 84-102 бетлар.

10.Каримов И.А. Миллий истиқлол мафкураси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. Т.8.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 489-508 бетлар.

11.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. Т.8.-Т.: “Ўзбекистон”, 2000 йил, 462-467 бетлар.

12.Каримов И.А. Эғали юрт эркини бермас. Т.9.-Т.: “Ўзбекистон”. 2001 йил. 70-98 бетлар

13.Каримов И.А. “Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар” рисоласидаги сўз боши. Т.9.-Т.: “Ўзбекистон”, 2001 йил.

14. 10 Азизхўжаев А.А. Чин ўзбек иши.-Т.: “Академия”, 2003 йил

15. Абилов Ў. Миллий ғоя, маънавий омиллар.-Т.: “Маънавият”, 1999 йил.

16. .М.Имомназаров М. Эшмухаммедов М. “Миллий маънавиятимиз асослари” Т.”Янги авлод”, 2001й.

17. Отамуродов С. ва бошқалар. “Маънавият асослари” Т.”Маънавият”, 2002й.

18. Маҳмудов Т. “Мустақиллик ва маънавият”. Т. “Маънавият”, 2000й.
19. Зиёев Х. «Истиқлол – маънавият негизи». «Тошкент», “Маънавият” 1999 йил.
20. Юсупов Э. “Инсон камолотининг маънавий асослари. Т., 1998й.
23. Юсупов Э. “Жамият маънавий тараққиёти”. Т. 2001й.
24. Каримова В. Тарғиботнинг психологик услублари. -Т.: “Маънавият”, 2001 йил. о.о. ит. Ж. д. ж. ж. д. л. о. о. б. д. ж. д. л.
25. Каримова В., Умаров А., Қуронов М. Миллий истиқлол ғоясини халқимиз онига сингдириш омиллари ва воситалари. -Т.: “Янги аср авлоди”, 2001 йил.
26. Ўзбекистоннинг ислом цивилизацияси ривожига қўшган хиссаси, «Туркистон» газетаси, 2007 йил 15 август сони.
27. А. Бегматов, Р. Рустамова Миллий ғояни тарғиботи ва маданий-маърифий тадбирлар. Т. «Маънавият», 2007.
28. П. Бакиров. Миллий ғоя тарғиботида ўзбек халқ мақолларидан фойдаланиш. Тошкент, «Маънавият», 2007.
29. Қ. Аъзамов, Ш. Жумаев. Маънавият ва маърифат иши. Тошкент, «Маънавият», 2005.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	4
------------	---

I боб. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва маънавий-маърифий ишларнинг йўлга қўйилиши

1.1 Мустақиллик ва маънавий-маърифий тикланишнинг моҳият мазмуни.....	4
1.2. Маънавий тарбия ва ёшлар.....	17
1.3. Маънавий - маърифий ислохатлар давлат сиёсатининг устувор йўналиши.....	22
1.4. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ва маънавий - маърифий ишларнинг такомиллашуви.....	32

II боб. Маънавий – маърифий ишларнинг моҳияти ва уни ташкил этиш методикаси

2.1. Маънавий – маърифий ишларни ташкил этишда маънавият, маърифат, мафкура тушунчаларининг ўзаро боғлиқлиги.....	43
2.2. Маънавий-маърифий ишларнинг моҳияти, мақсади, вазифалари ва асосий йўналишлари.....	58
2.3. Маънавий ва маърифий ишларни ташкил этиш методикаси.....	67

Адабиётлар.....	83
-----------------	----

Муқими номидаги Қўқон Давлат педагогика институти ўқув – услубий кенгаши
томонидан нашрга тавсия этилган.

Аминова Манзура Муталибовна,
Қўқон ДПИ кафедра мудири, фалсафа фанлари номзоди;
Шарипова Оқибат Аминжоновна,
Қўқон ДПИ ўқитувчиси;
Ортиқов Отабек Иномович
Қўқон ДПИ ўқитувчиси

Мустақиллик ва маънавий-тарбиявий ишлар

Ўқитувчи ва талабалар учун ўқув қўлланма

Мухаррирлар: - М. Содикова
- М. Саидова.
Корректор : - Б. Рахимов

Нашриёт рақами: з- 155 2009 йил 22 январда босишга рухсат этилди. Қоғоз бичими
60x84/16 офсет қоғози 5,5 босма тобоқ.
Буюртма № 153 Адади: 500

ЎзРФА “ФАН” нашриёти 100170
Тошкент, Иброҳим Мўминолов кўчаси, 9-уй.

“Янги Фарғона” МЧЖ босмахонасида офсет усулида босилди.

Қўқон шаҳар, Озодлик хиёбони, 22 уй.